



VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

www.vatandosh.uz

The First Uzbek Newspaper in the U.S. | AQShdaги биринчи ўзбекча газета | 2014 йил 19 май, № 37

ВАТАНДОШЛАР ВАШИНГТОНДА



5-БЕТ



12-БЕТ

Мен нега ўзбек тилини ўргандим?

2-БЕТ



Украина инқироzi Ва Ўзбекистон

Украина инқироzi юзасидан кескин икки хил қараш – Россия ва Ғарбнинг масалага фарқли ёндашуви кўпчиликни чалғитгани, масаланинг аслини тушунишда қийнагани сир эмас.



УКРАИНА ИНҚИРОЗИ: Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак?

Украина, бир неча ойдирки, халқаро хабарларнинг марказ нуқтасини эгаллаб келмоқда. Бу катта геосиёсий ўйинда манфаатли тарафлар ўз мавқеларини олға суришда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланмоқда.

Украина инқироzi юзасидан кескин икки хил қараш – Россия ва Ғарбнинг масалага фарқли ёндашуви кўпчиликни чалғитгани, масаланинг аслини тушунишда қийнагани сир эмас.

Бу масалада тарафларнинг манфаатлари нималардан иборат, ўзбекистонликлар қайси йўлни танлагани мақбул, шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсам.

Украина устидан Ғарб ва Россиянинг тўқнашувга кириши 1997 йил Збигнев Бжезинский томонидан “Катта шахмат доскаси” китобида башорат қилинган. Унда 2005–2015 йиллар орасида Украина Европа иттифоқи учун муҳим номзодга айланиши айтилади.

Совет иттифоқининг парчаланиши Россия олдида икки йўлни қўйди: Россия Ғарб давлатлари билан иқтисодий ва сиёсий интеграция орқали тўлиқ ҳамкорликни йўлга қўйиши ёки Совет иттифоқининг асосий меросхўри сифатида эски қудратини қайта тиклашга интилиши лозим эди.

Россия Путин ҳокимияти остида иккинчи, супер куч бўлишга уриниш йўлини танлади. Совуқ урушдан тўғри хулоса чиқарган Ғарб давлатлари бунга йўл қўймаслиги табиий эди. НАТО ва Европа иттифоқининг шарқий Европадаги собиқ Совет иттифоқи аъзоларини ўз сафига қўшиб олиши Россия учун ҳарбий таҳдид ва геосиёсий йўқотишдан бошқа нарса эмас эди. Россия Ғарбнинг кенгайиб бораётган ҳарбий ва сиёсий иттифоқи чегарасини Украинада белгилади. Чунки Россия Украина билан бирга глобал куч, Украинага чекланган давлат, холос. Путин таъсир доираси кен-

гайиб бораётган Европа Иттифоқини Россия учун таҳдид сифатида кўради.

Европа Иттифоқининг ҳарбий таҳдиди

Совет иттифоқи ва АҚШ ўртасидаги совуқ урушнинг тугаши ва Совет иттифоқининг парчаланиши 1991 йилда “Варшава шартномаси”нинг тугатилиши билан бевосита боғлиқ. Москва раҳнамолигидаги ҳарбий блокнинг парчаланиши ва “қизил империя”нинг кулаши оқибатида бир қатор шарқий Европа давлатлари НАТОга аъзо бўлиш истагини билдирди. НАТОнинг кенгайиб бориши Совет иттифоқининг асосий меросхўри бўлган Россиянинг хавотирига замин яратди. Украина НАТОга аъзо бўлмаса-да, Европа иттифоқи ва НАТО билан ҳамкорликни кучайтириши Россияни ташвишга солмаслиги мумкин эмас эди. Москвага кўра, Украинанинг НАТОга қўшилиши ҳарбий жиҳатдан Россиянинг жанубий муҳофафасини заифлаштиради.

Европа иттифоқининг иқтисодий-сиёсий таҳдиди

Украина Европа иттифоқи ва Евросиё иттифоқи ўртасидаги аросат давлат. Ҳар икки иттифоқ уни ўз таъсир орбитасига тортишга ҳаракат қилади.

Россия собиқ Совет иттифоқи ҳудудларида Ғарбнинг Европа иттифоқига ўхшаш Евросиё иттифоқи ташкилотини тузишни мақсад қилган. Евросиё иқтисодий иттифоқини куриш ҳақида Россия, Қозоғистон ва Беларус ўртасида шартнома имзоланган эди. Сўзда собиқ Совет ҳудудларида эркин иқтисодий зона яратиш, эркин савдо айланмасини жорий этиш бўлса-да, амалда Россия эски Совет иттифоқини тиклаш амбициясига эга экани ҳақида

хавотирлар бор.

Украинанинг Европа иттифоқи билан ҳамкорликни кучайтириши ёки Европа иттифоқига расман қўшилиши Россиянинг энг асосий даромади ҳисобланган нефтни Ғарб давлатларига сотишда қийинчилик туғдириши аниқ. Россия Украинани қўлдан бой бериши оқибатида Ғарб давлатлари Марказий Осиё, хусусан, нефтга бой Қозоғистон билан Украина ўртасида Россиянинг таъсиридан холи алоҳида шартномалар тузиш имкониятига эга бўлади. Ғарбнинг минтақада юритаётган стратегияси ичига Марказий Осиё давлатлари билан Россия иштирокисиз ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам киради.

Россия, шунингдек, Украинага таъсир қилишда Касбий денгизини, стратегик аҳамиятга эга Қора денгиз устидан назоратни йўқотади. Натижада Европа иттифоқининг собиқ Совет иттифоқи ҳудудларига кириб бориши тезлашади.

Россия минтақа давлатлари учун таҳдидми?

Биринчидан, Россия ўз “таъсир зонаси”даги – шарқий Европа (Украина, Беларус ва Молдова), Жанубий Кавказ (Грузия, Озарбайжон ва Арманистон) ва Марказий Осиё (Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон) – давлатларнинг Россия иштирок этмаган ҳар қандай сиёсий ёки иқтисодий шартномаларга киришини истамайди.

Иккинчидан, Россия мазкур давлатларни ўз таъсирида ушлаб туриш учун ҳар хил сиёсий ва иқтисодий инструментларни қўллайди. Масалан, Бела-

(Давоми 6-бетда)

“ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Газетамиз ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин!

www.vatandosh.uz/obuna

TO ADVERTISE IN
“VATANDOSH”,
PLEASE CALL:
(212) 372-3050

Vol. 37. Monday,
May 19, 2014

Publisher:
Vatandosh
Uzbek-American Federation

Editor-in-Chief:
Behzod Mamadiev

Managing Editors:
Farhod Sulton
Shohruh Kenjaev

Deputy Editors:
Murod Gafurov
Nilufar Salimova

Board Members:
Jo'ra Bo'tako'z
Narhudja Sadikov
Hikmat Sulton
Abdulmalik Ahmedov
Farog'at Zokirova
Dilshod Zokirov
Asqar Ubaydullaev
Mansur Jumaev

Editorial and Executive
office:

2667 Coney Island Ave,
Brooklyn, NY 11235
Phone: 212-372-3050
Web: www.vatandosh.uz
Email: info@vatandosh.com

All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.

The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for content of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.

ИЖОДКОРЛАР ДИҚҚАТИГА:

Биз билан ижодий ҳамкорлик қилишни истаётасми? «Vatandosh» боп мақола ва асарларингиз борми?

Ижодий ишларингизни ҳамда ҳамкорлик бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни info@vatandosh.com орқали бизга йўланг.

Грин карта натижалари эълон қилинди



АҚШ давлат департаментининг 2015 йил учун «Турли миллат вакиллари учун иммиграция визалари – DV» (Green Card) лотереяси натижалари эълон қилинди.

2013 йил 1 октябрдан 2013 йил 2 ноябргача рўйхатдан ўтганлар шу йилнинг 30 ноябрга қадар ўз идентификация рақамлари билан Давлат департаменти сайти орқали ўз натижаларини текширишлари мумкин.

Ҳар йили АҚШ ҳукумати АҚШга иммиграция кўрсаткичлари паст бўлган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон фуқаролари учун «Турли миллат вакиллари учун иммиграцион визалар – DV» дастури орқали 50000 та доимий яшаш ҳуқуқини берувчи визалар ажратади. Визалар сўнгги беш йил мобайнидаги иммиграция кўрсаткичлари асосида олти минтақавий ҳудуд орасида тақсимланади; бунда иммиграция кўрсаткичлари паст бўлган ҳудудларга кўпроқ визалар миқдори белгиланади. Визага мурожаат этувчилар компьютер орқали амалга ошириладиган тасодифий танлов лотереяси ёрдамида сараланлади.

Шахсининг исми лотереяда танланиши унга иммиграцион визага мурожаат этиш жараёнининг кейинги босқичларини ўтиш имкониятини беради.

Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги бош консули янгиланди



АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Ўзбекистон Бош консулхонасига раҳбар тайинланди. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизматининг хабар беришича, Зафар Қаюмов Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги бош консули этиб тайинланган.

Бунгача Зафар Қаюмов Ўзбекистоннинг Дубай шаҳри (БАА) даги бош консули лавозимида ишлаб келаётган эди.

Ўзбекистоннинг Нью-Йоркдаги Бош консулхонаси фаолият ҳудудида АҚШнинг 32 штати, Канада, Мексика ва Марказий Америка мамлакатлари киради.

АҚШ Ўзбекистонга бензин тақчиллигини бартараф этишда ёрдам беради



АҚШнинг метанол институти «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига автомобиль бензинига қўшилаётган метанолдан фойдаланиш технологиясини тақдим қилади. Бу ҳақда РИА «Новости» хабар тарқатди.

Агентликнинг манбасига кўра, томонлар метанолни Ўзбекистонда автомобиль ёнилғисига татбиқ қилиш бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим имзолаган. У тижорат сири нуқтаи назаридан шартнома шартлари ҳақида маълумот бермаган.

Ўзбекистон ҳукумати нефть қазиб олиш камайган бир шароитда муқобил хом ашёлардан — синтетик ёнилғи (GTL), сланец рудани қайта ишлаш ҳамда метанолдан фойдаланиш орқали нефть маҳсулотларини ишлаб чиқиш жараёнларини фаоллаштирмақда.

Тошкентда «Молотов коктейллари» қўлга олинган



Тошкентда ёнувчи қоричма солинган шиша идишларни олиб кетаётган автомобиль тўхтатиб қолинган. «Новый век» газетаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги манбаларга асосланиб шу ҳақда хабар қилди.

Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати ходимлари «Matiz» автомобили юкхонасида ёнувчи моддалар бўлган «Молотов коктейллари» солинган идиш тўла кути, шунингдек, ниқоб, дарра ва совуқ қуроллар топилган.

Автомобилда бўлган фуқаролар ҳибсга олинган ва улар бу жараёнга ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмаган. Улар Олмазор тумани ички ишлар бошқармасига олиб келинган.

Ҳозирги вақтда ушбу ҳолат бўйича тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Россияда блоглар ОАВга

тенглаштирилди



Россия президенти Владимир Путин ҳар куни 3 мингдан ортиқ киши ташриф буюрадиган блоглар ОАВга тенглаштирилишини кўзда тутадиган қонунни имзолади. Унга кўра, бундай блог эгалари оммавий ахборот воситасига юкланадиган талабларни бажариши лозим.

Қонун интернетда ахборот алмашинувини кўзда тутадиган «террорге қарши кураш» қонунлар пакети доирасида тайёрланган бўлиб, унга кўра, россиялик блогерлар, агар уларнинг кундалик ўқувчилари сони 3 минг нафардан ортиқни ташкил қиладиган бўлса, шу йилнинг 1 августидан «Роскомнадзор» махсус реестридан ўтиши керак бўлади.

Бундай блоглар бошқа оммавий ахборот воситалари сингари давлат сирини, кўпол сўзларни ҳамда қонун билан тақиқланган бошқа мазмундаги материалларни тарқатмаслиги, сайловолди тарғиботи талабларини бажариши, хусусий шахслар хусусидаги ахборотларни текшириб кўришлари ҳамда нотўғри ахборот тарқатса, тезкорлик билан уни ўчириши талаб қилинади. Шу билан бирга, блогер реклама жойлаштириши, ахборотни излаши, тарқатиши мумкин, лекин анъанавий ОАВдан фарқли ўлароқ, ҳеч ким блогерга ахборот беришга мажбур эмас.

Агар белгиланган тартиб бузиладиган бўлса, жисмоний шахслар 10 минг рублдан 30 минг рублгача, юридик шахслар эса 50 мингдан 300 минг рублгача жарима тўлаши лозим. Агар бу ҳуқуқбузарлик йил давомида такрорланадиган бўлса, жисмоний шахслар 50 минг рублгача, юридик шахслар эса 500 минг рублгача жарима тўлайди, блог 30 кунга маъмурий ёпиб қўйилиши мумкин.

Хитой Ўзбекистон орқали Германияга темирйўл қуриши мумкин



Хитой мутахассислари янги глобал темирйўл линияси устида бош қотирмоқда. «Kun.Uz»нинг «The Guardian»га асосланиб ёзишича,

улар «Хитой – Россия – Канада – АҚШ» тезюрар темирйўлини қуриш имкониятларини кўриб чиқмоқда.

Ҳозирча мазкур лойиҳа бўйича темирйўл Хитойнинг шимоли-шарқидан бошланиб, Сибирь орқали ўтади, Тинч океанини ерости туннели орқали Канада билан боғлайди ва у ердан АҚШга етиб боради.

Хитой муҳандислик академиясининг темирйўл бўйича эксперти Ван Мэншунинг сўзларига кўра, Россия ва Аляска орасидаги Беринг буғозини кечиб ўтиш учун узунлиги 200 километр бўлган ерости туннелини қуриш керак бўлади.

Лойиҳа бўйича тезюрар поезд 13 минг километр йўл босади – бу Транс-Сибирь темирйўлидан 3 минг километрга узун, дегани. Поезд соатига 350 километр тезлик билан ҳаракатланса, Хитойдан АҚШга икки кунда етиб олиш мумкин бўлади.

«Beijing Times» газетасининг қайд этишича, Хитой ҳукумати айни вақтда яна учта темирйўл тармоқларини ривожлантирмақда. Ушбу тармоқлардан бири Лондондан бошланиб, Париж, Берлин, Варшава, Киев орқали Москвага келиб, бу ердан иккига бўлинади ва бир «шохи» Қозоғистон орқали, яна бири эса шарқий Сибирь орқали Хитойга кириб боради.

Иккинчи халқаро тармоқ Хитой ғарбидаги Урумчи шаҳридан бошланиб, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон ва Туркия орқали Германияга етиб боради. Куньминдан бошланадиган учинчи халқаро тармоқ охири эса Сингапур бўлади.

Хитой, шунингдек, Ўзбекистон шарқидаги Фарғона водийсини мамлакатнинг қолган қисми билан боғлайдиган ва Қамчиқ доводидан ўтадиган «Ангрен – Поп» темирйўлидаги туннель қуриш бўйича 455 миллион долларлик шартнома имзолаган.

Ҳар бир қўшиққа гувоҳнома берилади



«Ўзбекнаво» миллий эстрада бирлашмасининг тартибига кўра, гувоҳномаси бўлмаган қўшиқ омма эътиборига ҳавола қилинмайди.

Янги тартибга кўра, ҳар бир вилоят, шаҳар марказларида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаларининг овоз ёзиш студиялари ташкил этилади ҳамда хусусий студиясига эга бўлган кишилар ҳам студияларини рўйхатдан ўтказишади. Ва ҳар бир ёзилган қўшиқ учун студиялар томонидан махсус гувоҳнома берилади.

«Vatandosh»

АҚШ фуқаролигини олганлар қариндошларини

АҚШга чақири оладими?



Савол: Грин карта соҳиби АҚШ фуқаролигини олмоқчи бўлса, АҚШ ҳукумати Ўзбекистонга бу ҳақда маълумот берадими?

Жавоб: АҚШ ҳукумати ҳеч бир давлатга ўзининг ички тартиб-қоидалари ва фуқаролик ҳолати ҳақида ахборот бермайди. Шу боис натурализация жараёни ва кимлар АҚШ фуқаролигини олганлиги ҳақида АҚШ ҳукумати Ўзбекистонга ҳеч қандай маълумот жўнатмайди.

Савол: Грин карта соҳиби Ўзбекистондан “ПМЖ” қилиб келса (доимий яшаш рўйхатидан чиқиб келса), у Ўзбекистонга қандай боради ва АҚШга қандай қайтиб киради? ОВИР ва виза билан Ўзбекистонга кириб чиқадими?

Жавоб: Грин картани қўлга киритган фуқаро Ўзбекистон паспортига чиқиш визасини (ОВИР) чекланмаган муддатга олса, бундай фуқаро хорижда доимий яшовчи фуқаро сифатида Ўзбекистондан чиқаётган бўлади. Бундай шахс АҚШдан Ўзбекистонга паспортнинг муддати тугагунгача бемалол бориб-келаверади. Фақат шартли шуки, АҚШга илк келишида Вашингтондаги элчихонада ёки Нью-Йоркдаги бош консулликда (келиши билан 6 ой ичида) хорижда доимий яшовчи фуқаро сифатида рўйхатдан ўтади. Консуллик рўйхатидан ўтгач, бундай фуқаро паспортини ҳам, муддатсиз ОВИРини ҳам Ўзбекистонга бормасдан АҚШнинг ўзида туриб янгилаши мумкин. Бу фуқаро Ўзбекистондаги доимий яшаш рўйхатидан чиқарилгани боис унинг паспортини янгилашни фақат хориждаги консуллик муассасаси амалга оширади.

Савол: Грин карта соҳиби Ўзбекистондаги доимий яшаш рўйхатидан чиқса, унинг номида турган уйлар, машина, мол-мулк нима бўлади? Уларни сотиши керакми?

Жавоб: Грин карта соҳиби бўлган шахс паспортга муддатсиз чиқиш

визаси (ОВИР) қўйдирган бўлса ҳам унинг Ўзбекистондаги шахсий мулкига (машина, уй-жой, кўчмас мулк ва ҳоказо) бўлган эгаллик ҳуқуқи сақланиб қолади. Бундай шахснинг хусусий мулкни ҳеч ким тўриб олиш ҳуқуқига эга эмас ва улар қонуний эгасининг номида сақланиб қолади. Масала шундаки, муддати чекланмаган ОВИР қўйилган пайтда фуқаро Ўзбекистондаги доимий яшаш рўйхатидан (прописка) ўчирилади. Бу дегани, келажакда Ўзбекистон Республикасида уй-жой ёки машина сотиб олиш ҳуқуқини йўқотади. Чунки пропискиси бўлмайд.

Савол: Грин карта соҳиби бўлган ота-она Ўзбекистон фуқаролигида қолиб, фақат ўз болаларига АҚШ фуқаролигини олдириши мумкинми?

Жавоб: АҚШ фуқаролигини қуйидаги ҳолатларда қўлга киритиш мумкин:

(1) АҚШ тупроғида туғилган бўлса, (2) Натурализация орқали (яъни грин карта билан АҚШда 5 йил яшган ва охириги 30 ой ичида АҚШ резиденти бўлган тақдирда), (3) АҚШ фуқаролигига эга бўлган шахсларнинг балоғат ёшига етмаган фарзандлари ҳам N-600 анкетасини тўлдириш орқали фуқаролик олиши (боқиб олинган фарзанд ҳам шунга киради) мумкин.

Агар ота-онаси грин карта соҳиби бўлса-ю, АҚШ фуқаролигини олишга шошилмаса, фарзандлари камида 18 ёшга киргач ва доимий резидент сифатида камида 5 йил (шунинг охириги 30 ойи мунтазам равишда) яшаган бўлса, бундай фарзандлар АҚШ фуқаролигини олиш учун N-400 анкетасини тўлдириб мурожаат қилишлари мумкин.

Савол: Грин карта соҳиби АҚШдан туриб Ўзбекистонда яшайётган уйланган ва болалари бор бўлган ака-ука, опа-сингилларига грин карта олиб бера оладими? Бунинг учун қанча муддат ва харажат кетади?

Жавоб: Грин карта соҳиби ака-ука, опа-сингилларини (уларнинг оила аъзоларини ҳам) АҚШга доимий яшаш ва грин карта олиш учун чақири олмайди. Фақат АҚШ фуқаролигига эга шахсларгина ўзининг бир ота-онадан (ёки фақатгина бир отадан ёки фақатгина бир онадан) туғилган ака-ука, опа-сингилларини ва уларнинг 21 ёшга етмаган фарзандларини грин карта олишлари учун I-130 анкетани тўлдириб петиция қила олади. Бу жараён бир неча босқичдан иборат:

1-босқич: I-130 формани тўлдириб, уни \$420 чек ва сўралган ҳужжатлар нусхаси билан белгиланган манзилга почта орқали жўнатилади.

2-босқич: 2-3 ҳафта ичида I-797 Notice of Action – яъни анкетангизнинг қабул қилингани ва кўриб чиқиш учун навбатга қўйилгани ҳақида хат келади.

3-босқич: Тахминан, 10-12 йил ўтгандан сўнг I-130 анкетаси асосида ака-ука ва опа-сингилларингиз учун топширган петициянгиз бўйича Виза рақами тасдиқланади (Alien visa number become available for processing). 12 йилгача кутишни ҳисобга олмаганда, бу йўл билан виза рақами тасдиқланиши ва грин картанинг олиниши қонун билан 100% кафолатланади.

4-босқич: Ака-ука ёки опа-сингил 12 йилдан кейин чиққан виза рақами асосида Тошкентдаги АҚШ элчихонасига иммигрант визасини сўраб мурожаат қилади. Анкетадаги ҳар бир одам медицина кўригидан ўтади ва иммиграцион виза ҳақини тўлайди. Иммиграция визаси учун одам бошига \$330 (чақалоқ ҳам киради бунга) тўланади. Бундан ташқари, бармоқ изи учун (16 ёшдан юқори шахслар учун) \$85 тўланади.

5-босқич: Элчихона ходими берган сариқ пакет билан улар АҚШга учиб келадилар. Келган кундан бошлаб 2-3 ҳафта ичида уларнинг АҚШдаги манзилига грин карта ва ижтимоий суғурта карталари (Social Security number) келади.

Отабек ҲАСАН тайёрлади.

Порахўрлик учун жавобгарлик кучайтирилди

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қонун матни “Халқ сўзи” газетасида эълон қилинди. Унга кўра, пора бериш, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали мансабдор шахсга моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Илгари бу энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланар эди.

Агар пора бериш такроран, хавфли рецидивист томонидан кўп миқдорда содир этилган бўлса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Илгари бу уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланарди.

Мабодо пора бериш жуда кўп миқдорда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб масъул мансабдор шахс томонидан содир этилган бўлса, ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Илгари бунинг учун беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланар эди.

Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Шуни қайд этиш керакки, янги ўзгартишларга биноан, пора беришга воситачилик қилганларга жавобгарлик кучайтирилмоқда. Унга мувофиқ, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Илгари бундай хатти-ҳаракатлар учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланар эди.

Элчи Жорж Крол фаолиятини Қозоғистонда давом эттиради

АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Крол Қозоғистонда элчи сифатида ўз фаолиятини давом эттириши мумкин. Бу ҳақда «UzDaily» хабар берди. Хабарда айтилишича, Барак Обама унинг номзодини тасдиқлаш учун мамлакат Сенатига киритган.

Эслатиб ўтамиз, 2010 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикасида элчи сифатида қасамёд қабул қилган эди. Жорж Крол 2007 йилнинг сентябридан 2010 йилнинг июлига қадар элчи бўлган Ричард Норланднинг ўрнига тайинланган эди.

Хабарда айтилишича, Жорж Крол Олий дипломатия хизматининг Вазир-маслаҳатчиси рангидаги кадр ходими бўлиб, АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё ишлари бўйича ёрдамчиси лавозимида ишлаган.

У дипломатик хизматга 1982 йилда киришган бўлиб, 2003 — 2006 йилларда Беларусда АҚШнинг элчиси сифатида фаолият юритган. У Варшава, Нью-Дехли, Санкт-Петербург, Москвада Америка дипломатия миссияларида турли вазифаларни бажариб келган.

Жорж Крол АҚШ Давлат департаментининг қатор олий мукофотлари эгаси ҳисобланади. У Гарвард ва Лондондаги Оксфорд университетларини тамомлаган.



“Vatandosh” Вашингтонга ташриф буюрди

“Vatandosh” Ўзбек-Америка жамияти олдидаги муҳим мақсадлардан бири Америкага келган ҳамюртларимизнинг ушбу мамлакат жамиятига мослашувига қўмаклашишдан иборат.

Шу мақсадда ўтган йили октябрь ойида Америкага янги келган ватандошларимиз учун инглиз тили курсларини ташкил этган эдик. Яқинда ушбу тил курсларини муваффақиятли тамомлаган талабалар учун битирув гувоҳномаларини тақдим этиш маросимини ўтказишни режалаштирдик.

Шу режа доирасида 19 апрель куни 20 га яқин талаба, уларнинг оила аъзолари ҳамда жамият фаоллари ва бошқа ватандошларимиз билан Вашингтон шаҳрига саёҳат уюштирдик. Ушбу саёҳатимиздан асосий мақсад талабаларимиз учун битирув маросимини элчихонамиз ёрдамида ўтказиш эди.

Саёҳатимиз 4 босқичдан иборат бўлди.

Элчихонадаги тадбир

Сафаримизни Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасидан бошладик. Бу ерда бизни элчихона ходимлари очик юз билан кутиб олди. Элчининг

биринчи котиби Фурқат Сиддиқов ўқувчиларимизни элчихона фаолияти билан таништириб, сўнг ҳар бир ўқувчига битирув гувоҳномасини тақдим этди.

Жамиятимиз фаолиятининг бардавомлиги ва тил курсларимизнинг муваффақияти учун тилақдош бўлган элчи жаноблари Бахтиёр Ғуломов ва элчининг биринчи котиби Фурқат Сиддиқовга жамиятимиз аъзолари ва тил курси ўқувчиларимиз номидан ташаккур билдирамыз.

Оқ уйга саёҳат

Элчихонада сертификат топшириш маросими якунлангандан сўнг, АҚШ президентининг қароргоҳи бўлмиш Оқ уйга қараб йўл олдик. Бу ерга қилинган қисқа саёҳат ҳам мароқли ва эсда қоғларли бўлди. Оқ уй олдида эсдалик учун расмларга тушдик. Сўнг АҚШ Конгрессини зиёрат қилишга отландик.



Конгресс биносига ташриф

Вашингтонга ташриф буюриб, Сенат ва Вакиллар палатасидан иборат АҚШ қонунчилик органи – Конгресс биносини кўрмасдан кетишнинг имкони йўқ эди. Унинг виқорли кўриниши Вашингтонга ўзгача кўрк бағишлаб, бутун дунёдан келган сайёҳларни ўзига ром этади.

Ушбу саёҳат асносида ватандошларимизга АҚШ Конгресси тарихи ва фаолияти ҳақида қисқача сўзлаб бериш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Ватандошлар “Америка Овози” да

АҚШ Конгрессидан пиёда юриб бориш мумкин бўлган узоқликда “Америка овози” телерадиоканалининг биноси жойлашган. “Америка овози” ҳукумат томонидан молияланадиган халқаро телерадио тизим бўлиб, 43 тилда, жумладан, ўзбек тилида ҳам эфирга чиқади.

1950 йиллар охирида вужудга келган ва 1973 йилдан бери мунта-

зам равишда ишлаб келаётган ўзбек хизмати Вашингтонда олти кишилик тахририятга эга. Сафаримиз давомида биз “Америка овози” ўзбек хизмати фаолияти ва ходимлари билан танишиш имконига эга бўлдик.

Бизни очик юз билан кутиб олган “Америка овози” ходимлари – ватандошларимиз Навбахор Имамова ва Шоҳруҳ Ҳамро гуруҳимиз аъзолари учун Америка овози биноси, студиялари ва ишлаш жойлари бўйлаб кичик экскурсия ташкил қилиб берди. Хизматнинг кундалик фаолияти ва иш тартиби ҳақида тасаввурга эга бўлдик.

Навбахор Имамова, шунингдек, ўзбек хизматининг “Америка овози” да тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида сўзлаб берди.

Шу билан Вашингтонга уюштирилган бир кунлик сафаримиз ўз ниҳоясига етиб, кечга яқин яна автобусимизда минган ҳолда “Нью-Йорк қайдасан” деб йўлга чиқдик.

«Vatandosh»

УКРАИНА ИНҚИРОЗИ: Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак?

(Давоми. Боши 2-бетда)

русни саноат соҳасида ўзига қарам қилган бўлса, Грузияни Абхазия ва Жанубий Осетияда, Озарбайжонни Қорабоғда Россияга хайрихоҳ сепаратист гуруҳларни қўллаш орқали ўз измида ушлаб туради.

Учинчидан, Россия Қозоғистондаги 4 миллионга яқин рус аҳолиси ва дунёнинг энг узун Россия-Қозоғистон чегарасини ҳимоя қилиш даъвоси билан Евросиё иттифоқи аъзоси бўлган Қозоғистоннинг ҳар қандай ташқи иқтисодий ва сиёсий битимларига таъсир ўткази олиш салоҳиятига эга. Айниқса, буни Қозоғистон нефть экспортида кўришимиз мумкин.

Марказий Осиёнинг ярим аҳолиси Ўзбекистонда жойлашган. Шунингдек, минтақа жами аҳолисининг бешдан бири, 11 миллион киши Фарғона водийсига тўғри келади. Советлар

зич аҳолига эга бу минтақани ўз таъсир доирасида ушлаб туриш учун уни уч давлат – Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида бўлган. Россия ўз манфаатларига зид ҳар қандай сиёсий, иқтисодий воқеликка бу ҳудудларнинг тинчлигини бузиш орқали жавоб қайтариши мумкин. Ундан ташқари, Ўзбекистон аҳолисининг ўндан бири Россияда яшаб, меҳнат қилади. Россия бундан ҳам сиёсий йўлда фойдаланиши мумкин.

Туркменистон эса Россия учун Эрондан келадиган хавфнинг олдини олиш учун керак. Туркменистоннинг асосий кирими газдан бўлгани учун газ экспорти устидан назорат Россия учун Туркменистонни таъсирида ушлаб туриш воситаси ролини ўйнайди. Туркменистон ва Озарбайжон ўртасидаги транс-Каспий қувури лойиҳасига Россиянинг қарши чиқиши бежиз эмас. Фарб давлатлари ва Хи-

той тарафидан қўллаб-қувватланган бу лойиҳа а) Хитойнинг Россиядан холи Марказий Осиё ва Европа ўртасидаги савдо йўналишини белгилашига, б) Туркменистоннинг Озарбайжон орқали Россия таъсиридан холи Европага газ сотишига имкон яратади. Россия Марказий Осиё давлатларининг тарқоқ ва Россияга қарам бўлишидан манфаатдор. Фарб давлатларига мойил ҳукумат ёки Фарб кўмагида ўтказиладиган жиддий демократик ислохотлар Россия манфаатларига путур етказиши мумкин.

Ўзбекистон қандай йўл тутиши керак?


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари билан суҳбатда уруш ҳеч

қачон қайтарилмаслиги учун бундай фожиа ва балоларнинг олдини олиш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиш зарурлигини таъкидлади.

Ушбу сўзлар шарқий Украинада нотинчлик ҳукм сураётган бир пайтда янграгани бежиз эмас. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, бундай таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг ёндашуви Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро ҳуқуқий нормаларда белгилаб, муҳрлаб қўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўравонликка, куч ишлатишга йўл қўймаслиқдир.

Реал вазиятдан келиб чиқиб гапирадиган бўлсак, Ўзбекистон глобал кучлар манфаати йўлида ўйинчоқ бўлиб қолмаслиги учун минтақадаги катта давлатларнинг манфаатларига тўғри ташхис қўйиб, сўнг ўз манфаатига мос иттифоқдошлар билан алоқаларни яхшилаш йўлини тутиши лозим.

Фарҳод СУЛТОН,
«Vatandosh» Ўзбек-Америка
жамияти раиси



Шарқий Украинадаги референдум қонунийми?

Маълумки, шу йилнинг 11 май куни Украина шарқий ҳудудларида — Донецк ва Луганск вилоятларида ҳудудларнинг ўзини ўзи бошқариш мақоми бўйича референдумлар бўлиб ўтди. Жами сайловчилардан 75 фоизи қатнашган мазкур овоз бериш жараёнида иштирокчиларнинг қарийб 90 фоизи ҳудуд мустақиллигини қўллаб-қувватлади. Луганскда эса 81 фоиз сайловчилар референдумда ҳозир бўлиб, уларнинг қарийб 96 фоизи ҳудуд мустақиллигини қўллаб-қувватлаган.

Шуни қайд этиш керакки, референдум натижасини Фарб мамлакатлари тан олмаслигини қайд этди. Россия ҳам ҳозирги вазиятда ушбу ҳудудлар вакилларининг хоҳишларини ҳурмат қилишини айтиб, вазиятга охириги сўзини айтганича йўқ.

Аммо кўпчиликда ушбу референдумни тўғри ва қонуний деб баҳолаш ҳамда бу ушбу ҳудудлар аҳолисининг хоҳиш-истаги деган қарашлар шаклланмоқда.

Украина унитар давлат ҳисоблангани учун бундай референдумни қонуний деб бўлмади. Боисики, бундай давлат қонунчилигида ре-

ферендумлар умуммиллий миқёсда ўтказилади, яъни бутун Украина халқи референдумга чиқиб, бу ҳудудларга эркинлик бериш масаласини кўриб чиқиши лозим. Албатта, Қримда ўтказилган референдумни кўпчилик мисол тариқасида келтириши мумкин. Қрим автоном ҳудуд сифатида референдум ўтказишга ҳақли эди. (Албатта, бу референдумга ҳам халқаро ҳуқуқ назаридан кўплаб саволлар бор)

Шу билан бирга, референдум қарийб фавқулодда бир шароитда ўтди. Яъни ҳарбий амалиётлар олиб борилаётган, марказда умуммиллий ҳукумат ва ҳокимият шакллантирилмаган бир вазиятда ўтказилди. Бундай ҳолатларда референдумнинг қонунийлигини баҳолаш жуда қийин бўлади. Қолаверса, референдум учун бир қатор омиллар зарур бўлади: халқаро кузатувчилар, сайловчилар рўйхати, аҳоли пунктларида сайлов участкалари тузилиши керак. Аммо оммавий ахборот воситалари материалларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, референдум учун етарлича тайёргарлик бўлмаган.

Масаланинг яна бир жиҳати ҳам бор. Референдумлар Киевда

ҳокимиятга келган кучларга нисбатан шарқий ҳудудларда бирмунча антипатия кучли эканлигини кўрсатди. Буни референдумдаги навбат туришлар, аҳолининг катта қизиқиш билан сайлов участкаларига боргани ҳам тасдиқлайди. Яъни референдум ушбу ҳудудлардаги аҳолининг кайфияти ва Киевга ишончсизлиги барометридир. Буни ҳатто Фарб оммавий ахборот воситалари ҳам алоҳида қайд этиб ўтишди.

Хусусан, The New York Times ёзишича, референдум шуни кўрсатдики, Россияпараст сепаратистларни айрим минтақаларда аҳолининг катта қисми қўллаб-қувватлайди. Аммо улар бу қўллаб-қувватловнинг ишончли тамойили бўла олмади. Сайлов участкаларидаги узундан-узун навбат туришлар сайловчилар иштирокининг юқори даражада эканиданми ё овоз бериш учун участкаларнинг камлигидан далолат эдимиз, буни аниқлаб бўлмади.

The Daily Telegraph эса сайловчиларнинг самимийлигига эътибор қаратади. "...Шундай бўлса-да, овоз берувчиларнинг ҳиссиёти аниқравшан ҳамда самимий эди. Донецк-

нинг аксарият аҳолиси февралдаги инқилоб нтижасида мамлакатда ҳокимиятни "фашист"лар эгаллаб олган деб ишонади. Уларнинг фикрича, ушбу фашистлардан фақатгина мустақиллик ва Россия ҳимояси асраб-авайлайди", — деб ёзади газета.

Албатта, референдум ноқонуний бўлса-да, янги Киев ҳукумати ва халқаро ҳамжамият, айниқса, Фарб мамлакатлари шарқий ҳудудлар аҳолисининг хоҳиш-истакларини инобатга олиши, умуммиллий мулоқот олиб бориши ҳамда ушбу минтақадаги аҳоли учун кафолат бериши керак. Йўқса, воқеалар ривожини тинч ва ҳуқуқий чоралардан (аллақачон бузилган) куч ишлатишга, ноқонуний ҳарбий гуруҳлар ва мафияларнинг илдиз отишига, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига олиб келади. Ҳозирча асосий вазифа барибир имкон қадар тезроқ умуммиллий мулоқотни бошлаш, шарқий ҳудуд аҳолисининг ишончини қозониш талаб қилинади.

Мурод ҒОҒУРОВ

БОШЛИҚ ЁХУД 3-БЛОГПОСТ

Шукржон ИСЛОМОВ

2-босқичда дўстим Исроилжон Тиллабоев билан телефонлашиб қолдик.

- Ҳа, ўртоқ, яна ҳазил ёзибсиз-да. Жиддийсидан ҳам бўлсин.

- Ёзолмадим, ўртоқ. Лекин кейинги босқичга мўлжалладим. Махатхир Муҳаммад ҳақида ёзаман.

- Анови Малайзияни ривожлантирган премьерими? Ошда гапировдингиз, давай, ўшани ёзинг, ёзинг, эй..

Махатхир Муҳаммад... Малайзия ривожига мислсиз ҳисса қўшган раҳбар, АҚШ, Буюк Британиядек давлатларга ўзининг ютуқларини тан олдиришга муваффақ бўлган, мусулмон оламнинг ҳам кўп ишга қодирлигини амалда кўрсата олган лидер, қоқ мамлакатини қисқа муддатда “Осиё йўлбарси”га айлантирган раҳбар. Ғарбнинг ашаддий танқидчиси ва айни пайтда қочоқ мусулмлар ҳимоячиси...

Ўзбекча манбаларда бу сиёсатчи ҳақида Хуршид Давроннинг сайтдан бошқа маълумот тополмадим. Демак, камини у ҳақда биринчилардан бўлиб ёзарканман-да.

Интернетдан кўплаб маълумот тўпладим, лекин барибир ёзолмадим, шунгаям илҳом керак бўлса-я, ҳикоя эмаску..)

Бўёқда жаноб блоггерлардан бири “блоггерлик ҳикоячиликка ўтиб кетди”, деса, яна бири “блог мақола эмас, хоҳлаганимдай ёзаман, пишириб енг”, деб куйдиришади). Хушнудбек эса “атиғи ..та одам топширди”, деб шоширади).

Совуқ кўчада ўйлаб юриб яна бир оғайним билан учрашиб қолдим. Автобазада ишлайди. Кейин у билан таппи ёқилган иссиқ печка ёнида ҳангомалашдик.

- Яқинда автобазамиз янгитдан жихозланди. Барча бўлимларга рация ўрнатилди. Хўжайиннинг кабинети юқори қаватда. У хонасида ўтириб ҳаммани кузатади, рация орқали буйруқ беради. Лекин, биласанми, бизнинг таомилда биров бир нарса олса, албатта дефекти бўлади, арзонига учишадими-ей.. Мана, янги рация ҳам заводской бузуқ – бир томонлама ишлар экан.

- У нима дегани?

- Яъни бир томондан гапиргани ҳаммага эшитиладию, қолган рациялардан гапирсанг - овоз йўқ. Албатта, гапирадиган соз рацияни хўжайин ўзига олди, бизга эса фақат эшитадигани қолди. Томошани кўргин: у юқори қаватдан иш талаб қилиб бақиради, биз эса машина тўхтаб қолгани сабабини, запчаст етишмовчилигини унга айтолмаймиз.

- Хонасига чиқиб айтса бўлмайдимми?

- Ҳаммада ҳам бунга юрак қаёқда, дейсан? Қолаверса карбюраторни очганингнию, майдончада битта свечани тозалаётганингни тушунтиришинг нима кераги бор? У эса бизни узоқроқ деразасидан сал-пал кўрса-

да, рациядан вағиллашни қўймайди. “Омон, нега тўхтаб қолдинг?”, “Адҳам, аккумуляторингни зарядла”, “Қарданни уладингми?”, “Яна радиаторингни, калланга соламан, айлантириб, Жўрақўзи!” ... дам бермайди, хумпар! Аммо, ўзи ёмон одам эмас.

Биз ҳам бўш келмай, охири ўзимизни ишлагандай кўрсатишга устаси фаранг бўлкетдик, ҳа-ҳа. Ишонанинг ёнидаги чойхона – бизнинг пақка.

Омон нос каппалаб, кайф қилаётгани, рация вағиллаб қолди. У кичкина носқовоғига чўп теккизиб кўрсатди – кўрмайпсизми, свеча тозалайман.

Р а ц и я д а н “зарядланган аккумуляторларни олиб чиқ”, деган буйруқ янгра-са, печеньедан бўшаган коробкаларни кўтариб уёқ-буёққа зипиллаймиз. Оберган зарядниги 1 ойга бормай чарчаган.

Йўғон таёқни кўтариб грузавонинг остига кириб кетамизми-ей, “карданний вални қўйиш керак”, деб. Аслида кардан-пардан йўқ, расхонди кўлайтириб жинними, шопир, шу пайтда?

Жўрақўзи тентак, карбюраторни очяпман, деб чойхонадан олиб чиққан мантиқозонни кўрсатади доим.

Хўжайин эса эшитмайди. Биз ҳам унга мослашганмиз.

Бир куни уч-тўрттамызни хонасига чақирди.

- Хўш, сизларни Тошкентга малака оширишга жўнатсам, нима дейсизлар?

Бунга суюнмай бўладими? Ҳалигача малака оширишга бориб бировнинг малакаси ошмаган бўлса-да, бу - беш-ўн кун ишдан озод бўлиб чиройли шаҳарни айланиш дегани. Хўжайин тажрибали раҳбардай сўради:

- Борганда нимани ўрганишни биласизларми?

- Йўқ, билмаймиз,- дедик.

Бирдан у:

- Ахир, билмасангиз, жўнатишинг нима кераги бор? – деб ўзича тўнғиллаб қолди. Индамай чиқиб кетдик.

Маслаҳатлашиб, обеддан кейин, яна хонасига кирдик. Кўплашиб, “бор-сак, нима ўрганишни биламиз”, деб хатони тўғрилаган бўлдик.

- Демак, нима ўрганишни биласиз?

- Шундай. Биламиз.

- Янги техника, электроникани ҳам биласиз?

- Биламиз.

- Ишнинг экономика кўрсаткичлари, техника хавфсизлиги..

- Ҳаммасини биламиз.

Бирдан қўлларини икки томонга ёзиб:

- Ана холос, ҳамма нарсани биларкансизлар-ку! Билсангиз, сизларни жўнатиб нима қилдим, шундай эмасми? – деб кулиб боқди. Мулзам бўлиб чиқиб кетдик.

Аммо бўш келиш йўқ бизда. Ҳаммамиз бўлмасак, ярмимиз борамиз. Эртаси эрталабдан хонасини тикирлатдик.

- Ассалому алайкум, фалончирон ака. Биз ўйлаб қарасак, барибир, малака оширишимиз керак экан. Кечаси билан маслаҳатлашиб келишдик. Иккитамиз биламиз ва иккитамиз ҳали билмас эканмиз.

У столдан бошини ҳам кўтармасдан:

- Унда биладиганлар билмайдиганларга ўргатиб кўяқолсин, - деб қўйди.

Шу билан бу мавзуга сира қайтмадик. Антика инсоннинг қўл остида ишласанг... шу-да!

Аста-секинлик билан ишларимиз орқага кета бошлади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Лекин қизиқ жойларини айтиб бераман.

Бошлиқнинг служебний шофёрининг айтишича, кабохонада ўтиришганда юқоридан телефон бўлиб, “қаердасиз?”- деб сўрашса:

- Автоколоннани техник назоратдан ўтказяпман, - деркан. Улфатлари билан нарда ўйнаётганда ёки саунада ўтиришганда сўрашса:

- Қаердасиз, дейсизми? Ҳозир токарь билан машиналарга муҳим деталлар яшаш устида маслаҳатлашаётувдим, - деган жавоб бўларкан.

Бир куни юқоридаги бошқармамиз бошлиғи шаҳримиздан ўтиб қолибди. Машинада кетатуриб қараса, бир машина сира йўл бермасмиш. “Ким бўлдиёкан, бу шеф?” деб орқадан яхшилаб қараса, у бизнинг бошлиқчанинг машинаси экан. Қўлига телефон қилибди:

- Пистончиев, ҳозир қаердасиз?

Бизнинг каттакон доимгидек жавобни қойиллатибди:

- Менми, акахон. Иш жойим-даман, албатта. Инженер-техник ходимларга хавфсизлик техникаси қоидаларини тушунтириш билан бандман.

- Агар, ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унда машинани сал ўнроқққа олинг, биз ўтиб кетайлик, - дебди каттамызнинг каттаси.

Шу воқеадан кейин уни ишдан олиб ташлашди.

Лекин яқинда уни яна бошқа лавозимга ўтирди, деб эшитдим. Ким билади дейсан, яна, кўтарилса-кўтарилгандир...

Мана иссиқ печка ёнида ўтириб, оғайним айтган воқеаларни қоғозга, йўғ-е, блогпостга туширдим. Ўртоқлар, жиддий нарса ёзаман, деб, билмадим - нималар ёздим.

Ҳарҳолда, сизга маъқул келса “каминанинг блогпости бу!” деб талтайишга, мабодо, ёкмаса, “бу бировнинг олди-қочди гаплари эди-да” деб маҳорат билан бошқача тўнкашга тайёр турибман.

Юқоридагиларни ёзишда халқ оғзаки ижодидан, хусусан, “Афанди латифалари” мотивларидан фойдаланилди.



Sharqona va Yevropa taomlari

РЕСТОРАН

Lazzat

RESTAURANT

718-676-4800

1969 Bath Ave., Brooklyn, NY

Financial Aid Available

(FOR THOSE WHO QUALIFY)

Job Placement Assistance

- Comprehensive Accounting (Excel, QuickBooks, Peachtree)
- ESL (English As a Second Language)
- Medical Office Specialist (EKG, Phlebotomy, Medical Billing)

The National Certification Exam is offered after completing the Medical Office Specialist program:



Patient Care Technician
 Phlebotomy Technician
 EKG Technician
 Clinical Medical Assistant
 Medical Administrative Assistant
 Medical Laboratory Assistant
 Medical Billers/Coders



Accredited by Council for Independent Colleges and Schools (ACICS). Licensed by the New York State Education Department

MANHATTAN SCHOOL OF COMPUTER TECHNOLOGY

ADDRESS: 931 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11230

(Between Ditmas and Newkirk Ave)

DIRECTIONS: Train **B, Q** to Newkirk Ave or Bus **B8, B68** to Coney Island Ave and Newkirk Ave

CALL:

(718) 360-1534

NYS CAS

A Division of
TOURO COLLEGE

College with a personal touch

ASSOCIATE'S AND BACHELOR'S DEGREES

- Business Management and Administration • Information Technology • Human Services
- Psychology • Education • Biology • Social Sciences • Paralegal Studies
- Digital Multimedia Design • Liberal Arts and Sciences • and more

INTEGRATED HONORS TRACKS

Undergraduate/Osteopathic Medicine
Undergraduate/Pharmacy

OTHER PROFESSIONAL OPPORTUNITIES

• Pre-Law • Pre-Medical • Pre-Dental

INFORMATION SESSIONS:

Manhattan: 27-33 West 23rd Street, Admissions Office
Wednesdays, 12 noon-5 pm

Brooklyn: 1870 Stillwell Avenue, Admissions Office
Wednesdays, 11 am-7 pm

www.touro.edu/nyscas

- Zamonaviy kompyuter laboratoriyalar
- Ingliz tili kurslari
- Kunduzgi va kechki darslar
- Xalqaro talabalarni qabul qilamiz
- Moliyaviy yordam
- Transfer students welcome!



scan here

BROOKLYN: 718.265.6534 x1002

Bensonhurst, Brighton Beach, Flatbush,
Kings Highway, Starrett City

MANHATTAN: 212.463.0400 x5500

QUEENS: 718.520.5107 x102 Forest Hills

Hurmatli do'stlar!

Agar siz Amerikada o'qib, diplom olmoqchi bo'lsangiz va buning uchun sizda **ingliz tili va matematikada** yetarli bilim bo'lmasa, hech xavotir olmang, biz sizga albatta yordam beramiz.

Touro College tayyorlov kurslari joriy qildi. Unda siz o'qishga kirish uchun yetarli ma'lumotni olib, orzuingizga erishishingiz mumkin.

Darslar qulaylik uchun kechki soatga mo'ljallangan. Vaqtni yo'qotmang.

Quyidagi telefon orqali bizga qo'ng'iroq qiling. 718.336.6471 x30119 Kristina

New York School of Career and Applied Studies

Touro College is an equal opportunity institution

ADVERTISE WITH US

Call Us Now!



212-372-3050

“Vatandosh”га обуна бўлинг!

Газетамиз ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

Обуна бўлиш йўллари:

Сайт орқали: www.vatandosh.uz/obuna | Телефон: 212-372-3050

*Обуна дунёнинг барча давлатлари учун очиқ.



“Vatandosh” газетасини Нью-Йоркнинг қуйидаги манзилларидан бепул олишингиз мумкин

BROOKLYN

1901 Emmons Ave (Cherry Hill)
203 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
252 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
277 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
274 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
424 Brighton Beach Ave (L&S Pharmacy)
511 Brighton Beach Ave (Pharmacy)
602 Brighton Beach Ave (Apteka)
1129 Brighton Beach Ave (Seabreeze Pharmacy)
608 Sheepshead Bay (Net Cost Market)
191 Neptune Ave (Lemborg Pharmacy)
373 Neptune Ave (S&K Pharmacy)
2910 Brighton 8 St (Discount Phone Cards)
2914 Coney Island Ave (Produktovaya Baza)
1324 Sheepshead Bay Rd (Monica Pharmacy)
2610 E 14 St (European Delikatessen)
2651 E 14 St (Dialise Center)
2617 E 16 St (Z Drugs)
1627 Jerome Ave (Friendly Food)
1653 Sheepshead Bay Rd (Pharmacy)
2570 E 17 St (Pharmacy)
2807 Ocean Ave (Fast Pharmacy)
2749 Ocean Ave (Golden Fish)
1917 Ocean Ave (Medical Office)
1929 Kings Hwy (Ocean Pharmacy)
1909 Kings Hwy (Pharmacy)
1811 Kings Hwy (Pharmacy)
1425 Kings Hwy (Pharmacy)
1416 Kings Hwy (Sankt Peterburg)

1671 E 13 St (Pharmacy)
445 Kings Hwy 2nd Floor (Dr. Shulman)
1141 Brighton Beach Ave (Café Kashkar)
287 Brighton Beach Avenue (Vintage Food Corp)
301 Brighton Beach Avenue (Brighton Fabrics & Variety)
3144 Atlantic Ave (Mobilia Furniture And Carpet)
2689 Coney Island Ave (Oasis Café)
35 Neptune Ave (1001 Nights Restaurant)
414 Ditmas Ave (Afsona Restaurant)
2487 Coney Island Ave (Living Way School)
1053 Brighton Beach Ave (Fuat Hair Salon)
837 Ave Z (Fast Professional Taxes)
407 Ditmas Ave (Madina R Inc)
2818 Coney Island Ave (Nargis Café)
141 Neptune Ave (Atlantic Export)
5911 8th Ave (United American Muslim Association)
1901 Emmons Ave (Masal Café)
3911 13th Ave (Uzbekistan Restaurant)
21 Church Ave (Masjid Nurul Islam)
922 Pennsylvania Ave
1120 Flatland Ave
945 E108th St
915 E107th St
2126 Knapp St
3031 Ave V
3495 Nostrand Ave
3610 Nostrand Ave
87 West End St (Apteka)
122 West End St (Medical Office)
3065 Brighton 14th St (Optical)
124 Brighton 11th St (Apteka)

1630 E15th St (Medical Office)
1841 Coney Island Ave (Apteka)
533 E 7th St (Apteka)
511 Cortleouy Rd (Apteka)
4125 18th Ave (Apteka)
128 Ditmas Ave (Apteka)
531 Church Ave (Apteka)
4514 F. Hamilton Ave (Apteka)
2315 65th St (Apteka)
1930 Ave M (Apteka)
201 Kings Highway (Medical Office)
2046 Bath Ave (Apteka)
9517 Ave J (Medical Office)
2269 Ocean Ave (Medical Office)
1401 Ave U (Apteka)
1301 Ave U (Apteka)
3093 Ocean Ave (Day Care)
2753 Coney Island Ave (Medical Office)
6202 16th Ave (Day Care)
7819 18th Ave (Medical Office)
9407 5th Ave (Apteka)
6324 4th Ave (Apteka)
615 Ave C (Day Care)
1100 Coney Island Ave (Apteka)
1403 Foster Ave (Apteka)
500 Foster Ave (Store)

QUEENS

35-62 76 (Fantasiya Food)
44-14 Kissena Blvd (Kaspiy)
138-03 Queens Blvd (Beriozka)
120-08 Queens Blvd (Tom's Newsstand)
103-27 Queens Blvd (Kosher Palace)
102-03 Queens Blvd (Beriozka 2)
97-15 Queens Blvd (Howard News)
62-22 Woodhaven Blvd (Pharmacy Pivn W per)
91-06 63 Dr (Ural W)
93-07 63 Dr (Olgar)
94-09 63 Dr (Moskva)
97-28 63 Dr (Tadjikistan)
98-51 63 Dr (Albert Station)
63-24 99 St (Eden)
65-47 99 St (Kosher Store)
99-08 63 Rd (Micheal Inter Deli)
63-46 108 St (Gastronom)
64-16 108 St (M and M International)
64-51 108 St (Berezka 1)
63-29 108 St (Candy Land)
96-22 Queens Blvd (Rego Park Minimarket)
81-52 Lefferts Blvd (Romashka)
118-29 Metropolitan Ave (Russian Store)

MANHATTAN

6th Ave and 47th St (Grocery Store)
3th Ave and 34th St (Grocery Store)

Бошга ўлим тушганда...

27 апрель куни 1973 йилда туғилган ватандошимиз Икромова Барно Пенсильвания штати Филадельфия шаҳрида оламдан ўтди. Унинг саратон касали билан оғригани, "грин карта" ютиб олганидан сўнг ҳамма қатори АҚШга кўчиб келгани маълум. Афсуски, тақдир азал ҳукми кучга кириб, бу ерга келганидан уч ой ўтар-ўтмас, ҳамюртимизнинг касали зўрайиб оламни тарк этди. . .

Пенсильвания ва Нью-Йоркдаги ватандошларимиз номидан Икромова Барнонинг яқинларига, оила аъзоларига ўз таъзиямизни изҳор қиламиз.

АҚШга келганига ҳали кўп бўлмаган оила учун бу йўқотиш оғир мусибат бўлди. Мархумани Ўзбекистонга жўнатиш харажатларини қоплаш учун бу ердаги кўплаб ватандошларимиз ҳамда саховатпеша бошқа миллат вакиллари беминнат ёрдам қўлини чўзди.

Пенсильвания ва Нью-Йоркдаги ўзбеклар жамиятининг бир қанча вакиллари алоҳида миннатдорлик билдиради. Шунингдек, Филадельфияда истиқомат қилувчи месхе-

ти турклари жамияти катта ёрдам қилди. Майитни самолётда жўнатиш харажатларини арзонлаштириб беришда Нью-Йоркдаги Ўзбекистон консуллиги ҳам кўмак кўрсатди.

Мархуманинг турмуш ўроғи Икромов Саидакбар Ўзбекистонга жўнаш олдида уларга ёрдам қўлини чўзган барча инсонларга ўз миннатдорлигини етказиб қўйишни сўради.

Ушбу воқеа сабаб бўлиб, мен ҳам дилимдаги айрим гапларимни ватандошларимга айтиш ниятида эдим.

Ўлим ҳар кимнинг бошига келадиган бир тақдир. Ҳар йили АҚШдан камида 10-15 та ватандошимизнинг майитини Ўзбекистонга жўнатишимизга тўғри келяпти.

Бу мусибат исталган пайтда, исталган ерда ҳар биримизга рўбарў бўлиши мумкин. Бундай оғир йўқотиш пайтида, айниқса, ҳали ўзини молиявий жиҳатдан тиклаб олмаган қўли калта ватандошларимизга, оз бўлса ҳам, ўз ёрдами-мизни аямаслигимиз керак. Агар мархум ва мархумаларни ўз вақтида Ўзбекистонга жўнатиш имконияти-



Барно Икромова

ни қилиб бера олмасак, уларнинг она ватанлари тупроғига қўйилиш ҳақидаги сўнги васиятлари оғир армон бўлиб қолади.

Тўйда ҳам, азада ҳам бир-бирини асло ёлғизлатиб қўймайдиган бир халқмиз биз. Тўй олдиндан режалангани учун бундай маракага хонадон аҳли аввалдан

тайёргарлик кўради. Аммо ўлим кутилмаган келади ва ёшу қарига, бой-у камбағал бошига ҳам тушиши мумкин. Шунинг учун, айниқса, ўлим юз берган ҳолатларда ватандошларимиз кўпроқ ёрдамга муҳтож бўлади.

Худого шукрки, ҳозир Нью-Йорк, Пенсильвания, Нью-Жерси ва Иллинойс каби штатларда ўзбек жамиятлари ва ташкилотлари сони кўпаймоқда. Улар ҳар тарафлама ватандошларимизга ёрдам кўрсатиш йўлида хайрли хизмат қилиб келмоқда. Аммо бу хайрли ишларнинг давом этиши, аввало, ўзимизга боғлиқ. Жамиятимиз фаолларининг ёрдамга муҳтож ватандошларимизга кўмак кўрсатиш ҳақидаги чақириқларига лаббай деб жавоб қайтарайлик. Чунки ҳар қандай инсон ҳаётининг қайсидир босқичида бошқа бир инсоннинг ёрдамига муҳтож бўлади.

Бир-биримизга беъэтибор бўлмайлик.

Мақсуд ТОЖИБОВ,
Пенсильвания штати,
Филадельфия шаҳри



Байроқ давлатникими ёки халқники?

Ватандошларимиздан бири Ватан мустақиллиги куни муносабати билан уюштирилган бир тадбирда байроқ билан, мадҳия остида саҳнага кириб келган болачаларга қараб менга шундай савол берган эди:

"Бу ер Америка бўлса, бу тадбирни консуллик ташкил қилмаган бўлса, байроқ, мадҳияга ҳожат борми?"

Бу гап ўша маҳал бир оз ғашимни келтирган бўлса-да, савол соҳибининг байроқ ва мадҳия деганда фақат давлат рамзларини тушуниши мени кўп ҳам ажаблантирмади.

Давлат бу миллий иродани ифода этувчи, халқ манфаати учун хизмат қиладиган сиёсий ташкилотдир. Давлат ва миллат байроқлари дунёнинг баъзи мамлакатларида бўлганидек бошқа-бошқа эмас. Давлат рамзлари халқимизнинг аънаналарини ўзида мужассам этган миллий белгиларимиздир. Миллий манфаатлар учун хизмат қиладиган давлат ташкилотлари давлат рамзларидан қандай фойдаланса, халқ хизмати ва унинг манфаатлари учун ишлаётган нодавлат ташкилотлар ҳам, хоҳ мамлакат ичида, хоҳ ташқарисида бўлсин, миллат ва давлат рамзи саналган байроғимиз остида йиғинлар ўтказишга, турли анжуманларда унга алоҳида ҳурмат кўрсатишга ҳақли.

Очигини айтсам, ватандошларимиз орасида байроғимизга бўлган ҳурматнинг даражаси ачинарли ҳолда. Кўп тадбирларда мадҳия янграб, байроқ кўтарилганда, ўтирган, овқатланаётган ёки ёнидагилар би-

лан гаплашиб ўтирган ватандошларимизни кўриб, миллат сифатида шаклланишимиз учун ҳали анча меҳнат қилиш кераклигини ҳис қиламан.

Бунинг бир сабаби бор. Халқимизни бир-бирига жипслаштирувчи маънавий ҳислар ҳали етарли даражада уйғонмаган. Аслида ўша байроқ миллий ҳисларни ифодаловчи маънавиятимизнинг рамзий ва моддий кўринишидир.

Бу дарднинг бир дориси йўқ, афсуски. Миллий ҳисларнинг уйғониши, байроғимиз, гербимиз, мадҳиямизга бўлган ҳурматнинг ошиши ватандан узоқда ватанга муштоқ ҳаёт кечиршимиздан, тарихни билишимиз, қолаверса, маънавиятимиз ҳақида мавҳум чақириқлар билан чекланмасдан, аслида бу нима, нега биз учун маънавий ўзлигимиз керак, кичик миллат сифатида дунё юзида қолишимиз учун унинг аҳамияти нима малардан иборат каби саволларни ўзимизга беришимиздан бошланади.

Америкадаги ватандошларимизга тавсияларимиз шундай:

Ўзбек тилида китоб, хусусан Ўзбекистон ва Ўрта Осиё тарихига алоқали асарларни ўқишда ғайрат кўрсатишимиз керак. Миллий маънавиятимизга доир адабиётлар рўйхати тузилса, улар Америкада яқинда очилиши кутиладиган кутубхонамизга жойланса. Бу борада мутахассисларимиздан фикр олиниб, уларнинг тавсиялари асосида бу китобларнинг рўйхатлари тузилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳар бир хонадонда байроғимиз кўринадиган жойга осиб қўйилиши керак. Биз дунёнинг қайси жойида яшамайлик, кўнглимиз ватанга муштоқ, меҳнатимизнинг натижаси ватан манфаатлари билан боғлиқ бўлиши керак.

Кичик ва катта йиғин ҳамда тадбирларни мадҳия ва байроқ билан очишимиз, унинг аҳамияти ҳақида бардавом гапириб боришимиз даркор.

Футболка, машина, музлатгич каби биз кўп фойдаланадиган ва кўзга кўриниб турадиган жойларга илиб қўйиладиган ёки ёпиштириладиган байроқ ва бошқа миллий рамзларни тайёрлашимиз лозим.

Азиз ватандош! Миллатнинг келажакни, тақдирини ўз қадриятларига эгалик қилган шахслар жамоаси белгилайди. Акс ҳолда, тарихда бўлганидек, яна бошқа маданиятлар таъсирини ема бўлишимиз эҳтимолдан холи, ҳисобдан йироқ эмас. Россияга кетган беш миллион азаматнинг ўзгача фикрлаши, Америкага келган уч юз минг қорақошнинг ўзлигидан йироқлашиши ҳам ватан учун, ҳам миллат учун катта ютқазидан бошқа нарса эмас. Биз бу жараёни ўз манфаатларимиз ҳисобига ўзгартиришимиз мумкин. Бунинг учун сиздан икки нарса талаб қилинади: Садоқат ва ғайрат.

Сафимизга қўшилинг!

Фарҳод СУЛТОН,
«Vatandosh» Ўзбек-Америка
жамияти раиси

Тест синови тизимига ўзгартириш киритилди

Ўзбекистон Президенти олий таълим муассасалари бакалавриятига танлаган мутахассислиги бўйича ўқишга қираётган абитуриентларни тест синовидан ўтказиш сифати ва холислик даражасини ошириш, уларнинг интеллектуал даражаси, дунёқараши ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолаш мақсадида шу йил 30 апрелда Республика олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорга имзо чеқди.

Янги тартибга кўра, 2014/2015 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда математика фани бўйича тест синовларига информатика ва ахборот технологияларига тааллуқли савол ҳамда топшириқлар киритилмоқда. Мисол учун, математика бўйича 30 савол, информатика ва ахборот технологиялари бўйича 6 савол киритилди.

Тест синовларига математика фани ҳам киритиладиган 168 таълим йўналишининг 108 таси бўйича имтиҳонларга юқорида қайд этилган масалаларни жорий этиш кутилмоқда. Чунончи, "Математика фанини ўқитиш услуги", "Физика ва астрономия фанини ўқитиш услуги", "Кимё фанини ўқитиш услуги", "Физика", "Иқтисодиёт", "Солиқ ва солиққа тортиш", "Электроника ва асбобсозлик" ва бошқа таълим йўналишлари шулар жумласидандир.

Жорий этилаётган мазкур янгиликлар абитуриентлар билим даражасини холисона баҳолашда мутахассисликка оид фанларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда ошириш имконини бериши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Президентининг 2012 йил 10 декабрда "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан бу йил тест синовлари тизимига 24 таълим йўналишида чет тиллар бўйича тест синовлари ҳам жорий этилаётир. Шундай қилиб, чет тиллар бўйича тест синовлари ўтказиладиган таълим йўналишлари сони 35 дан 59 гага етди.

Булар "Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси" (транспорт турлари бўйича), "Радиоэлектрон ускуналар ва тизимлар" (соҳалар бўйича), "Телекоммуникация", "Информатика ва ахборот технологиялари" (соҳалар бўйича), "Ахборот хавфсизлиги" (соҳалар бўйича), "Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти" (соҳалар бўйича), "Энергетика", "Автомобиль ва тракторсозлик" ва бошқа йўналишлардир.


Жорий йилдан физика асосий мутахассислик фани бўлган таълим йўналишлари сони бештадан йигирмага кўпайтирилди.

Биология асосий фан сифатида ўқитиладиган таълим йўналишлари сони ўн саккизтадан йигирма биттага кўпайди.

Америкада нега ўзбек

Ҳар йили АҚШ Халқаро таълим институтининг Фулбрайт ФЛТА дастури бўйича дунёнинг 50 дан ортиқ давлатларидан ёш инглиз тили ўқитувчилари бу мамлакатга танлов асосида таклиф қилинади ва улар ўзларининг она тилларини АҚШ университетларидаги талабаларга ўргатиш имконига эга бўладилар. Улар тил ўргатиш билан бирга, ўзларининг ўқитиш усул ва услубларини яхшилашда ҳамда ҳақиқий шароитда Америка маданияти ва жамияти ҳақидаги билимларини оширишади. Ўзбекистонлик ёш муаллимлар ҳам бундан мустасно эмас, албатта.

Ҳозирги кунда АҚШнинг тўртта олийгоҳида ўзбек тили фан сифатида ўқитилади. Улар Аризона давлат университети, Индиана университети, Мичиган давлат университети ва Остиндаги Техас давлат университетларидир. Тўғри, бу олий ўқув даргоҳларида ўзбек тилини ўрганаётган талабалар сони у даражада кўп эмас, чунки бу тил Ғарб дунёси учун анча нотаниш тиллардан биридир. Лекин ҳар йили АҚШга келаётган ўзбек ўқитувчиларининг саъй-ҳаракати билан она тилимизга нисбатан қизиқиб қолаётганлар сони секин-аста кўпайиб бормоқда. Бу муаллимлар тилни ўргатиш баробарида,



Аризона давлат университети талабаси Брайан Греко

АҚШ дунёдаги энг кўпмиллатли мамлакатлардан биридир. Бу заминда дунёнинг турли нуқталаридан келган одамларни учратиш ва улар билан суҳбатлашиш мумкин. Худди шу халқларнинг тиллари АҚШ университетларида ҳам фан сифатида ўқитилади ва бу тилларни ўрганишни истаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда.



Шимолий Аризона университети битирувчиси Грахам Висковски

маданият элчилари ҳамдир. Ўзбек халқинининг бой маданиятини ва урф-одатларини АҚШдаги инсонларга тўғри кўрсата олиш уларнинг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда АҚШ университетларида нафақат талабалар, балки профессор-ўқитувчилар ҳам она тилимизни турли хил мақсадларда ўрганиб келишмоқда. Баъзилари шунчаки қизиқиш ортидан бўлишса, бошқалар бу тилни билиш яқин келажакда шуғулланмоқчи бўлган ишларида керак бўлишини билдиришади. Шу боис уларнинг айримларига “Ўзбек тилига қандай қизиқиб қолгансиз?”, “Нима сабабдан бу тилни ўрганишни бошладингиз?” деган саволлар билан мурожаат қилганимда, улардан қуйидаги жавобларни олдим.

Жон Стиногел, Аризона давлат университети, Ижтимоий фанлар бўлими, 4-босқич талабаси:

— Икки йил аввал Марказий Осиёдаги бирор

давлатнинг номини ҳам билмасдим ва Ўзбекистонни дунё харитасидан кўрсата олмасдим. Лекин ўтган йили рус тили дарсида бир-икки ҳафта давом этган Марказий Осиё ҳақидаги суҳбатдан сўнг бу минтақага нисбатан жуда ҳам қизиқиб қолдим. Ўтган йигирма йил давомида Қозоғистонда яшаб келган америкалик бир инсон бу худуднинг маданияти ҳақида айтиб берганида, Марказий Осиё ҳали кўпчилик америкаликлар таниш бўлмаган бой ва қадимий тарихга эга эканлигини англаб етдим. Рус тили устозим асли Қозоғистондан келганлар ва

бу курсдаги талабаларнинг деярли ярми қозоғистонлик эди. Ўзбек тилига нисбатан дастлабки қизиқишим эса кунлардан бир куни рус тили дарсига Аризона давлат университетининг Долзарб тиллар институти раҳбари келиб, кейинги семестерда Ўзбек тили курси ўқитилиши ҳақида айтганида бошланган эди. У киши ўзбек тили араб, рус ва форс тиллари элементлари учрайдиган туркий тил эканлигини айтиб ўтдилар. Мен аллақачон араб ва рус тилларини ўрганаётганим сабабли, бу менга анча қизиқарли бўлиб туюлди. Қолаверса, Марказий Осиё ҳар жиҳатдан ривожланаётган бир пайтда ўзбек тилининг Америкада ўқитилиши жуда ҳам фойдалидир. Полиглот ва ҳаваскор тилшунос сифатида ўзбек тилини ўрганишни бошлаган онимданок

бу тил мени янада ўзига мафтун этди ҳамда мен бундан ниҳоятда хурсанд ва ҳаяжонда эдим.

Брайан Греко, Аризона давлат университети, Долзарб тиллар институти томонидан 2012 ва 2013 йилларда ташкил этилган ўзбек тили ёзги интенсив курси қатнашчиси:

— Ўзбек тилига илк марта қизиқиб қолишимда тилшуносликнинг мени ўзига жалб этгани, туркий тиллар оиласининг дунё тиллари орасида ўзига хос грамматикага эга эканлиги, ўзбек тилида лотин алифбосининг фойдаланилиши ва унда унли товушлар уйғунлигининг кам учраши кабилар сабаб бўлган. Аризона давлат университети, Долзарб тиллар институти томонидан ҳар йили ташкил этиладиган ёзги тиллар курслари ҳақида билганимда, ўзбек тили сари саёҳатимни бошлашим кераклигини ҳис этдим.

Мен тилларнинг бу яширин жавоҳирини кашф қилганимдан ниҳоятда хурсандман ва бу тил ҳақидаги бор тушунча ва билимимни янада кенгайтиришни давом эттириш умидидаман.

Ўзбек тилини ўрганишни бошлаганимда, ўқиш жараёнини ҳар хил манбалар билан бойитишни ва бу манбаларни ўзбек тилига қизиқиб қолаётганлар билан бўлишишни истардим. Мен ўзимнинг Интернетда “Ўзбек Брайан” деб номланган шахсий тажрибам, керакли ўқув материаллари ва умуман, ўзбек тили ва маданиятига алоқадор барча маълумотлар жам бўлган блогимни яратдим. Энг эътиборли жиҳати, бу блогимдан дунёнинг турли нуқталаридан бўлган фойдаланувчиларнинг жавобларини олганимда ҳайратда қолганман.

Менинг мақсадим нафақат ўзбек тилида ўқув материалларини тўплаб етказиш, балки кам ўрганилган ва инсонларнинг кўпроқ эътиборига сазовор бўлиши лозим бўлган ўзбек ва бошқа туркий тилларга нисбатан инсонларнинг қарашларини яхшилаш ҳамдир”.



Аризона давлат университети талабаси Жон Стиногел

Грахам Висковски, Шимолий Аризона университети, Халқаро вазиятлар бўлими битирувчиси:


ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА?

— Ўзбек тилини шунчаки қизиқарли тил бўлиб кўрингани ва фан сифатида ўқув жадвалимга мос тушгани сабабли ўрганишни бошлаганман. Қолаверса, мен Марказий Осиё тиллари, у ердаги сиёсий вазият ҳамда Ўзбек диаспорасининг Ўзбекистон билан чегарадош ҳудудлардаги таъсири ҳақида жуда ҳам қизиқиб келаман.

Профессор Виктор Агажаниан, Аризона давлат университети, Жамиятшунослик фанлари профессори:

— Мен Аризона давлат университетида Жамиятшунослик фанлари профессориман ва менинг тадқиқотим Марказий Осиё худудига қаратилган. Менинг она тилим аслида рус тили бўлса-да, тадқиқот олиб боришимда, у ерлардаги маҳаллий тилларни билишим керак, деб ҳисоблайман. Ўзбек тилини танлашим эса шунчаки тасодифий эди. Аризона давлат университетидаги Меликиан марказига Фулбрайт дастури бўйича таклиф қилинган Ўзбекистонлик муаллима менинг илк ўзбек тили ўқитувчим бўлди. Ўзбек тилини ўрганишдан олдин икки нарсани, яъни бу тил қанчалик бой ва мукамал эканлигини ва мен ўзбек тилини бу қадар севиб қолишимни ҳеч ҳам тасаввур қила олмас

эдим. Ҳозирда мен ўзбек тилини учинчи йил ўрганишни давом эттирмакдаман. Бу анча меҳнатни талаб қилса-да, жуда мароқлидир. Мен бу тилни ўрганиш орқали ўзбек халқи, маданияти, урф-одатлари ва ҳаёт тарзи ҳақида кўп нарсаларни билиб олдим. Ўзбек тили форс, араб ва рус тиллари таъсир қилган ранг-баранг ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган туркий тилдир. Бундай уйғунлик мени чиндан-да ҳайратда қолдиради. Менинг ўзбек тилини билиш даражам ҳали аъло бўлмаса-да, уни яхшилашга қарорим қатъийдир. Шу йил ёзда Ўзбекистонга илк маротаба сафар қилиш умидидаман. Агарда мен Фулбрайт қатнашчилари Нигина Раззакова, Наргиза Воҳидова ва Вазира Забиева каби уч ажойиб ўқитувчидан сабоқ олмаганимда, менинг Ўзбек тилини ўрганишдаги барча уринишларим бекорга сарфланган бўларди. Шундай қилиб, она тилимиз ўзбек тили АҚШда



Аризона давлат университети профессори Виктор Агажаниан

ўрганилаётган хорижий тиллардан бири эканлиги жуда ҳам қувонарлидир. Келажакда у нафақат юқорида санаб ўтилган тўртта университетда, балки АҚШдаги бошқа кўплаб олийгоҳларда чет тили сифатида ўқитилади, деб умид қиламан.

Вазира ЗАБИЕВА, Аризона давлат университети, Меликиан маркази, Фулбрайт ФЛТА қатнашчиси

«БЎТАКЎЗНОМА» ТАҚДИМ ЭТИЛДИ Шунингдек, ватандошларга иш топиш йўл-йўриқлари ўргатилди

17 май куни «Vatandosh» жамияти қошидаги Соғломлаштириш ва Маданият марказида бўлиб ўтган семинарда икки мавзу муҳокама қилинди.

Биринчи қисм “Интернетда иш қидириш” деб номланиб, унда марказ раҳбари Фароғат Зокирова ҳамда камина - талаба Нилуфар Салимова биргаликда ўз тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда семинар қатнашчиларига интернет орқали иш топиш йўл-йўриқларини ўргатдик.

Иштирокчиларга АҚШ, хусусан, Нью-Йорк аҳолиси орасидаги ишсизликнинг

Айнан шу сабабдан ватандошларга маҳаллий тил ва маданиятни ўзлаштиришнинг иш топишда қанчалик муҳимлиги эслатиб ўтилди. Фароғат Зокирова меҳмонларга резюме ёзишнинг аҳамияти ва қисмлари ҳақида гапириб бериб, сифатли резюме ёзиш борасида борада марказ кўмак беришга ҳар доим тайёр эканини маълум қилди.

Интернетда иш қидириш қисмида бир неча веб саҳифалар орасидан энг оммабоп ва ишончли сайтлардан учтаси (indeed.com, craigslist.org ҳамда monster.com), улардан қандай фойдаланиш тўғрисида маълумот берилди.

Шунингдек, ишга жойлашнинг энг асосий босқичи, яъни “интервью” ҳақида ҳам атрофлича суҳбатлашилди. Камина ҳамда Фароғат опа даврани янада қизиқтириш мақсадида интервью босқичини саҳна кўриниши сифатида кўрсатиб бердик. Саҳнадан сўнг

ватандошлар билан интервью давомида йўл кўйилган хатолар ёки ижобий хулқ атворлар ҳақида фикр алмашилди. Қолаверса, интервью давомида ҳар бир бўлажак ишчи ишга олувчига нисбатан

ҳурматда бўлиши, ҳар қандай ҳолда табассум ва яхши кайфиятда бўлиши, ўзига ишонч билан ва дадил туриши, ўз маҳоратлари ҳақида, иш ҳақи ҳақида очиқ гапира олиши муҳимлиги таъкидлаб ўтилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида юртдошимиз Жўра Қори Бўтакўзнинг “Бўтакўзнама” номли китоби тақдими бўлиб ўтди. Китоб муаллифи Жўра Қори ака тадбирга ўз рафиқалари билан ташриб буюриб, йиғилган ватандошларни кўриб қувониб кетдилар. Тақдимотни суҳандон Дилшод Зокиров очиб бериб, сўзни шахсан Жўра Қори аканинг ўзларига берди. У киши китобнинг ёзилиш тарихи, нима ҳақида эканлиги, унда қандай мавзулар ёритилганлиги ҳамда барча учун қизиқ бўлган қисми, китоб ёзилиши билан боғланган қизиқ воқеалардан сўзлаб бердилар. Жўра аканинг сўзларидан меҳмонлар ҳам илҳомланиб кетиб, бирма-бир чиқиб миллий адабиётимиз ҳақида сўзладилар ва Навоий ғазалларидан парчалар ўқидилар. Ўз оила аъзолари билан ташриф буюрган ватандошимиз, Ўзбекистон Миллий университетининг она тили ва адабиёти



«Бўтакўзнама» асари муаллифи Жўра Қори Бўтакўз

фанлари бўйича собиқ ўқитувчиси Мавсума опа эса «Бўтакўзнама» асарини аллақачон ўқиб чиққанларини таъкидлаб, китоб ҳақида ўз таассуротларини айтиб бердилар. Қолаверса, Мавсума опа адабиётшунос сифатида асарнинг баъзи қисмларини адабий таҳлил қилишлари барчага манзур бўлди. Тақдимот охирида эса меҳмонлар Жўра Қори аканинг дастхатлари туширилган китобларни олиш имкониятига эга бўлишди.

«Vatandosh» жамиятида ҳар ой ана шундай семинарларни ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Келаси ойнинг 21-санасида Америкада ўқишга кириш ҳамда ўқиш грантларини топиш мавзусида суҳбат ўтказиш режалаштирилган! Барчангизни шу куни марказимизда кутиб қоламиз.

Нилуфар САЛИМОВА



Семинарни Фароғат Зокирова ва Нилуфар Салимова олиб борди.

асосий сабаблари ҳақида ҳам маълумот берилди. Муҳожирларнинг ишсизлиги энг асосий сабаб уларнинг маҳаллий тил ва маданиятни ўзлаштира олмаганликлари экани таъкидланди.

(Давоми. Боши ўтган сонда)

**МУАММОНИНГ
ИЛДИЗЛАРИ ҚАЕРДА?**

Халқимиз орасида қадимдан кундошлик можаролари яшаб келади. Кундошлик биринчи, «кўз очиб кўрган» аёлининг кунига шериклик қилиш, деганидир. Бу мавзу ўзбек адабиётидаги кўплаб катта-кичик асарларнинг сюжет чизиғига айланган. «Ўткан кунлар» романидаги Кумуш ва Зайнаб, «Бой ила хизматчи» драмасидаги Хонзода ва Жамила, «Қутлуғ қон» романидаги Пошшахон ва Гулнор, «Кеча ва кундуз»

мат қиладиган «кўпхотинлилик масаласи» кум устига қурилган уйда таги бўш, асоссиз гаплардир. Ислому кўпхотинлиликни тарғиб этмайди, аксинча, турли ижтимоий-сиёсий ҳолатлардан келиб чиқиб тўрттагача уйланишга рухсат берган, холос. Қуръони карим улар ўртасида адолат қила олишга кўзи етмаганларни битта хотин билан кифояланишга буюради. «Энди агар адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг)» (Нисо, 3); «Ҳар қанча уринсангизлар ҳам, хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар» (Нисо, 129). Улар ўртасида адолат қилиш эса барча хотинларни нафақада (яъни уларни едириш-ичириш, кийинтириш,

ёхуд кўп йиллардан бери турмушга чиқолмай қариқиз бўлиб уйда ўтириб қолган. Бир неча оилани таъминлашга қодир бўлган ўша бадавлат киши яна бир тул ёки турмушга чиқолмай ўзини бахтсиз санаб юрган аёлга уйланиб, унинг нафақасини қилса, бир рўзгор соҳибаси этиб қўйса, бунинг нимаси ёмон?

Яна такрорлашга тўғри келади: ҳозирги даврда ҳам, ўтмишда ҳам аёллар ҳаммаша эркакларга нисбатан кўпроқ бўлишган. Статистика маълумотларига кўра, қиз болалар одатда ўғилларга қараганда кўп туғилади. Ўғил болалар қизларга нисбатан кўпроқ касалланади, болалар ўлими ўғил болалар ўртасида кўпроқ,

Аҳмад МУҲАММАД

сўзлаб беришича, уларнинг қишлоғида жами 2000 аёл ва бор-йўғи 400 эркак яшар экан. Эркакларнинг ярми эса ҳали ўн тўртта кирмаган, яъни балоғатга етмаган болалар экан. Шунинг учун аёл қизининг бир умр эрсиз қолиб кетишидан кўра уч нафар хотини бўлган эркакка узатишни афзал кўрибди».

Жамиятларда аёлларнинг эркакларга қараганда бир неча фоизга кўп бўлиши катта демографик муаммолар келтириб чиқаришдан ташқари инсоний муносабатларга, ахлоқ-одобга жиддий салбий таъсир кўрсатади.

КЎНГИЛХУШЛИКМИ Ё КЎНГИЛ ҒАШЛИК? ёхуд кўпхотинлилик муаммоларига бир назар

романидаги кундошлар... Бу рўйхатни яна анча давом эттириш мумкин...

Ислому дини ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини ислоҳ қилгани каби кўпхотинлилик масаласини ҳам адолат нуқтаи назаридан, инсон фитрати ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб чиройли ҳал этган. Шариятда кўпхотинлилик тақиқланмайди, баъзилар ўйлаганидай «айб иш» ҳам эмас. Аксинча, жамиятда адолат низоми бузилмаслиги, инсон насли бардавтом бўлиши, бузуқлик ва фаҳш ишларнинг олдини олиш учун Парвардигор мусулмонларга тўрттагача уйланишга ижозат берган.

Қуръони карим кўрсатмасига кўра, эрлар адолат қила олишса, икки, уч, ҳатто тўрт нафаргача хотин олишлари мумкин. Бу Яратганнинг ҳукми илоҳийи, уни инкор этган илоҳий ҳукмга осийлик қилгани учун гуноҳкор бўлади. Қуръони каримда бундай дейилган: «Агар етималарга адолатли бўла олмасликдан кўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан икки, уч, тўрттасини никоҳларингизга олаверингизлар. Бордию одиллик қила олмасликдан кўрқсангиз, у ҳолда биттаси ёки қўл остингиздагилар кифоя. Мана шунда жабр қилинмаслиги аниқроқ» (Нисо, 3).

Нега Ислому динида эркакларга икки, уч, ҳатто тўрттагача уйланишга рухсат берилган? Бу саволга жавоб беришдан олдин бир масалага пича ойдинлик киритиб олишимиз керак бўлади. Маълумки, Ислому душманлари ўн беш асрдан буён Исломининг мана шу рухсатини рўқач қилиб, таъна-маломат тошларини отишади. Исломини ёмонлашда кимўзарга баҳслашишади. Мусулмонларни аёлларни камситиш, улар ҳуқуқини поймол қилишда айблаш учун шу ҳолатдан фойдаланишади. Аммо «аёллар ҳуқуқи ҳимоячилари» масалага юзаки ёндошиб, аслида ўзларида авж олган разолат, бузуқлик, аёлларни хорлаш ва эзиш иллатларини хас-пўшлаш учунгина «Исломдаги кўпхотинлилик» муаммосига урғу беришади. Агар масалага ҳақиқат кўзи билан қаралса, холос ёндошилса, вазиятнинг бутунлай аксинча эканини кўриш мумкин...

Ислому муҳолифлари кўп мало-

бошпана ва рўзгор ашёлари билан таъминлаш каби), шунингдек ўзаро муомалада, ҳаётини ишларида, ҳатто бирга туриш ва бирга ётишда ҳам баравар туришни тақозо этади. Бунда тўла адолат билан иш кўриш эса, унча-мунча эркакнинг қўлидан келмайди. Бундай кишилар битта хотин билан кифояланишади, иккинчисини олишга уларни ҳеч ким мажбурламайди.

Исломдаги эркакларнинг тўрттагача уйланиш ҳуқуқи эса бу – йўл берилган имконият, асло мажбурият эмас. Статистикадан озгина хабари бор одам бу имкониятнинг асл моҳиятини осонликча илғаб олади. Эркаклар урушлар, бахтсиз ҳодисалар, оғир жисмоний меҳнат, касалликларга дош беролмаслик каби омиллар туфайли ҳаммаша оз умр кўришган. Шунинг учун жамиятда сон жиҳатидан эркаклар аёлларга қараганда ҳаммаша кам бўлиб келган. Шундай экан, жуфтини топа олмаган аёл бир умр оналик бахтидан, севимли завжалик бахтидан мосуво ўтиши керакми? Бу унинг ҳуқуқи поймол бўлаётгани эмасми? Ёки аёллари «хурлик»ка эришган Оврупадаги каби ахлоқсизлик, фаҳш, мунофиқликни жорий қилиш масаланинг ечими саналадими? Эркаклар расман битта аёл билан никоҳда туриб, амалда ўнлаб аёл билан бемалол зино қилиб юрган ғарб ўлкаларида аёлларнинг аҳволи мусулманларникидан яхшироқми? Аёл учун оилани бир эркакнинг ҳуқуқсиз чўриси, пинҳона ўйнаши ёки атрофидагиларнинг нафратига учраган маъшуқаси бўлганидан кўра эрининг иккинчи, тўла ҳуқуқли хотини бўлгани яхши эмасмикин? Масаланинг яна бир бошқа томони ҳам бор: айтайлик, бир кишининг жинсий қуввати бошқаларникидан устунроқ, агар у яна уйланмаса, жинсий майллари қонмай, ўзга аёлларга кўз олайтириши ёки ҳаром йўлларга юриб кетиши мумкин. Шундай одамга зарурат юзасидан яна бир ёки икки хотин олишга рухсат берилган. Ёки бир киши жуда бадавлат, топгани бир неча оилани тебратишга, бир неча аёлнинг нафақасини қилишга бемалол етади.

Тасаввур қилинг: энди ўша бадавлат кишининг атрофидаги ёки маҳалласидаги бир аёл бева қолган

Урушларда, йўллардаги ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларда, фалокатларда, ичкиликбозлик ва бангиворлик каби иллатлар туфайли эркаклар кўпроқ ҳалок бўлишади. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, манзара бундай: расмий статистика маълумотларига кўра, 1994 йили Буюк Британия аҳолиси 58,4 миллион кишидан иборат эди. Бунинг 28,6 миллиони – эркаклар, 29,8 миллиони эса аёллар бўлган. Бошқача айтганда, Бирлашган Қиролликда ўша пайтда аёллар эркакларга қараганда 1,2 миллион нафар кўп бўлган. Нисбатининг бу қадар фарқли бўлиши Британия жамиятида катта муаммоларни келтириб чиқарди: статистикага кўра, бу ҳолатда аёлларнинг тўрт фоиздан ортиғи ўзи хоҳласа ҳам эркак билан турмуш қуриш имкониятидан маҳрум бўлади. Агар бу рақамни никоҳ ёшидаги аёлларга менгзаладиган бўлса, унда бу рақам салкам олти ярим фоизга кўтарилади. Бу эса, биргина Британияда салкам икки миллион аёл эрсиз ўтишга маҳкум, дегани. Олмония социологларининг ҳисобича, дунёдаги жами аҳолининг 48 фоизи эркаклар, 52 фоизи аёллардир. Оврупада ҳар юз эркакка 103-106 нафардан, АҚШда юз эркакка 105,5 нафардан, МДХда 115,8 нафардан аёл тўғри келади. Ҳозир Америка Қўшма Штатларида 8 миллион «ортиқча» аёл бор, яъни аёллар эркакларга қараганда шунча миқдорда кўп. Гвинея деган юртда юз нафар эркакка 122 аёл тўғри келса, Танзанияда юз аёлга «бор-йўғи» 95 эркак тўғри келади. Ўзбекистонда 1939 йили аёллар жами аҳолининг 49,4 фоизини ташкил этган бўлса, урушдан кейин 51-52 фоизини, 1990 йилда 50,5 фоизини ва ҳозирги пайтда 51 фоизини ташкил қилади.

Эроннинг пойтахти Техронда чиқадиган кундалик газеталардан бири қуйидаги воқеани келтиради: «Ҳозирда учта хотини бўлган бир эркак оилавий ишлар судига тўртинчи хотин олишга ижозат сўраб мурожаат қилади. Унинг учала хотини ҳам навбатдаги никоҳга розилик билдиришган эди. Газета муҳбири янги турмушга чиқётган келинининг онасидан бўлаётган ишларга муносабатини сўради. Аёлнинг муҳбирга

Бу ҳолни иккинчи жаҳон урушида кейинги Олмонияда кўриш мумкин эди. Уруш тугаганида аёллар эрларга қараганда 7,3 миллион кўп эди, бунинг устига уларнинг 3,3 миллиони бева қолган эди. Урушдан қайтган солдатлар бу ҳолатдан «фойдаланиб қолишди»: қизлар бир қути сигарета, шоколад ёки бир буханка нон эвазига солдатларга номуслари ва танларини «сота бошлашди». Баъзи мамлакатларда қотиллик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ўзаро урушлар оқибатида кўплаб эркакларнинг нобуд бўлишлари ҳам эркаклар ва аёллар муаамосини янада чуқурлаштириб юбормоқда. Аҳвол шундай бўлгач, агар эркак биттадан хотинга уйланса, «ортиб қолган» аёллар нима қилишлари керак? Улар дунёдан тоқ ўтишсинми? Ахир, улар ҳам инсон-ку! Бу аёллар ҳам эрга тегишни, фарзанд кўришни, оила бахтини туйишни исташади. Уларда ҳам жинсий майл, ўзга жинс вакилига интилиш бор. Фарзанд кўриш, насл қолдириш эҳтиёжи бор.

Барча эркакларни хотинлари банд қилиб, эгаллаб олган ҳолатда эрсиз аёллар нима қилишсин? Ахлоқ бузилган, исломий эътиқоддан йироқлашган юртларда бўлаётгани каби бундай ҳолатларда жинсий эҳтиёжини қондириш учун аёллар одатда бузуқлик йўлига киришади: ҳаром йўл билан, зино қилиб табиий эҳтиёжини қондиришади. Кимлардандир насабининг тайини йўқ бола ҳам орттиришади. Ёки айрим жойларда бўлаётгани каби бирор эркакнинг бошини айлантириб, шартта никоҳсиз «тегиб» олишади. Унинг оиласини бузиб, фарзандларини тирик етим қилишади. Тинч, аҳил оила фароғатини бузиб, бахтли бир аёлнинг эрини «тортиб» олишади. Аммо бундай усуллар ахлоққа ҳам, динга ҳам, жамият қонунларига ҳам тўғри келмайди. Бу борадаги бирдан-бир тўғри йўл ҳалол-пок йўл билан, икки томон розилиги билан иккинчи хотин бўлишдир. Мусулмон аёлларнинг юқоридаги икки ҳаром йўлни кескин рад этиб, учинчи, яъни исломий йўлни танлашлари лозим ва муҳимдир.

(Давоми келгуси сонда.)

Бекободда ҳакамни дўппослашди



Бекободда бўлиб ўтган футбол бўйича Аёллар ўртасидаги Олий лига ўйинидан ўрин олган «Металлург» ва «Андижанка» жамоалари ўртасидаги учрашувда катта жанжал рўй берди. 3:2 ҳисобида мағлубиятга учраётган андижонлик спортчи қизлар ҳакамнинг қароридан норози бўлиб, уни дўппослашган. Натижада ўйин ўз якунига етмай қолди. Бу ҳақида Аброр Имомхўжаев ўз твиттерига хабар бериб ўтмоқда.

«Бекободдаги «Металлург»-«Андижанка» учрашуви футболчиларнинг даҳанаки жанги ва ҳакамни дўппосланиши туфайли якунига етмай қолди. Аёллар футболдаги ҳолат. Даҳшат!» – деб ёзади Имомхўжаев ўз твиттерига.

20 минг риалдан мукофот олишади



«Бунёдкор»ни Осиё чемпионлар лигасининг нимчорак финалидан чиқариб юбориб, чорак финал босқичига чиққан «Ал-Ҳилол»нинг ҳар бир футболчиси 20 минг риал миқдорига мукофот билан рағбатлантириладиган бўлди.

Бу ҳақда шаҳзода Ал-Волид бин Талал жамоа аъзоларига хабар берди. Шунингдек, шаҳзода жамоа мураббийлар штабининг ишига юқори баҳо берди.

«Std.Uz»

Ўзбекистон – 3-ўрин соҳиби!



Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида бўлиб ўтган 2014 йилги Осиё чемпионати совриндорига айланди.

10 май, шанба куни бўлиб ўтган учинчи ўрин учун баҳсда Баҳодир Аҳмедов қўл остидаги Ўзбекистон футзал терма жамоаси Кувейт терма жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учрат-

ди ва мусобақа бронза медаллари соҳибига айланди.

Учрашувда ҳисоб 11-дақиқада Дилшод Раҳматов томонидан очилган бўлса, иккинчи таймда Фарҳод Абдумавлонов ҳисобни 2:0 кўринишига келтирди. Абдумавлоновнинг голдан кўп ўтмай Кувейт ҳисобни қисқартирди, бироқ ўзбекистонлик футзалчилар ғалабали ҳисобни ўйин охиригача сақлаб қолишга муваффақ бўлишди.

Футзал бўйича Осиё чемпионатлари 1999 йилдан бери ўтказиб келинса, Ўзбекистон терма жамоаси 2001, 2006 ва 2010 йилги мусобақаларда кумуш медалларни қўлга киритган, 2004 йили эса тўртинчи ўринни қўлга киритганди. 2005 ва 2007 йилги мусобақаларда учинчи бўлган Ўзбекистон футзал терма жамоасининг бронза медаллари эса энди учтага етди.

Баҳодир Аҳмедов шогирдлари 2014 йилги Осиё чемпионати гуруҳ босқичида Қирғизистон (2:2), Япония (2:1) ва Жанубий Корея (3:0) терма жамоаларига қарши баҳс олиб боришди. Чорак финалда Ливан терма жамоаси 6:2 ҳисобида мағлуб этилган бўлса, финал йўлланмаси учун баҳсда мусобақа ғолиблигига асосий даъвогар ҳисобланган Эрон терма жамоасига йирик ҳисобда имконият бой берилди..

«The-Uff.com»

Ўзбекистоннинг ўрни ўзгармади



Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА миллий терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон рейтингига 53-ўринда бормоқда. Апрель ойи натижаси (53-ўрин) билан таққослаганда, Ўзбекистоннинг рейтингдаги ўрни ўзгаришсиз қолган.

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Осиё миқёсидаги ўрни ҳам ўзгаришсиз қолган – Миржалол Қосимов шогирдлари Эрон (умумий рейтингда 37-ўринда) ва Япония (47) терма жамоаларидан сўнг китъада учинчи бўлиб турибди. Кучли ўнликдан Жанубий Корея (55), Австралия (59), Иордания (64), БАА (67), Саудия Арабистони (75), Уммон (82) ва Қатар (95) ўрин олган.

Эътиборли томони, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё Кубоги-2015 финал босқичи «В» гуруҳидаги рақиблари орасида пешқадам бўлиб турибди. Гуруҳда, Ўзбекистон ва Саудия Арабистонидан ташқари, Хитой (жаҳонда 96, Осиёда 11) ва Шимолий Корея (жаҳонда 137, Осиёда 20) терма жамоалари ўрин олган.

МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Украина (жаҳонда 17-ўрин), Россия (18), Арманистон (33)дан сўнг тўртинчи ўринни банд этган.

Миллий терма жамоалар умумий рейтингда амалдаги жаҳон чемпиони – Испания етакчилик қилишда давом этмоқда. Германия ва Португалия терма жамоалари мос равиш-

да 2-3-ўринларни эгаллаб турган бўлса, ЖЧ-2014 арафасида Бразилия терма жамоаси икки ўрин юқорилаб, 4-ўринга кўтарилиб олди. ФИФА рейтинги кучли ўнлигидан, шунингдек, Колумбия, Уругвай, Аргентина, Швейцария, Италия ва Греция ўрин олган.

Тўлиқ рейтинг билан ФИФА расмий сайтида танишиш мумкин.

«Championat.asia»

Ўзбекистон-Уммон ўртоқлик учрашувлари Олмалик ва Тошкентда бўлиб ўтади




Ўзбекистон терма жамоасининг Уммон терма жамоаси билан май ойида бўлиб ўтиши белгиланган иккита ўртоқлик учрашувлари Олмалик ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтади.

Бу ҳақда Ўзбекистон футбол федерациясининг расмий твиттери хабар бормоқда.

«Ўзбекистон ва Уммон ўртасидаги 27 (Олмалик) ва 29 майга (Жар) белгиланган ўртоқлик учрашувларининг ҳар иккиси ҳам 19:00 да бошланади», – деб ёзади федерация расмий твиттери.

«Std.Uz»

Чагаев WBA камарини ҳимоя қилади



Ўта оғир вазли боксчимиз Руслан Чагаев WBA камарини ҳимоя қилиш учун жорий йилнинг 7 июнь куни Чеченистоннинг н Грозний шаҳридаги «Ахмат Арена» стадионида Пуэрто-Рико вакили Фрес Окендо билан жанг олиб боради.

Фрес Окендо профессионал бокс жанглирида 1997 йилдан буён иштирок этиб келади. У шу кунгача 43та жанг ўтказиб, 36 тасида ғалаба қозongan. Окендо шулардан 23 тасида рақибларини нокаут қилган ва унда NABA ҳамда WBA Fedelatin камарлари мавжуд.

Руслан Чагаев ҳозирги Бутужаҳон бокс ассоциациясининг янги рейтингига иккинчи погонани эгаллаб турибди. Ҳамюртимиз проффесионал боксда жами 32 мартаба ғалаба нашидасини сурган ва 20 нафар боксчини нокаутга учратган.

«Sports.Uz»

“Vatandosh” жамияти ҳузурида Саломатлик ва маданият маркази очилди

“ВАТАНДОШ” ЎЗБЕК-АМЕРИКА ЖАМИЯТИ ҲАҚИДА

“Ватандош” Ўзбек-Америка жамияти нодавлат нотижорат ташкилот бўлиб, Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилувчи ўзбекистонликлар томонидан 2013 йил, ноябрда ташкил этилган.

САЛОМАТЛИК ВА МАДАНИЯТ МАРКАЗИ

Мазкур марказ қошида сиз учун:

- чўмилиш ҳавзаси (бассейн)
- жисмоний тарбия зали
- аэробика, ёга
- биллард, стол тенниси

каби машғулотлар билан шўғулланишингиз учун барча қулайликлар мавжуд!

Шунингдек Марказда:

- Инглиз тили ва компютер курслари
- Кўнгил очар ва мусиқий дастурлар
- Машҳур шахслар билан учрашувлар
- Миллий кўргазмалар ва New York музейларига саёҳат
- Маданий ва Маърифий семинарлар
- Миллий ва диний байрамлар, юбилейларни нишонлаш
- Миллий кутубхона
- Санъатшунослик, ҳаваскорлик, шахмат-шашка ва бошқа тўғараклари
- Ижтимоий маслаҳатчи (Social worker) хизматларидан фойдаланишингиз мумкин.



СОҒЛОМЛАШТИРИШ
ДАСТУРИНИНГ
БОШ ҲОМИЙСИ



Дастур қатнашчилари ИККИ МАҲАЛ ҲАЛОЛ ИССИҚ ОВҚАТ ВА ТРАНСПОРТ билан таъминланади.

62 ёшдан ошган ватандошларимизга юқоридаги барча хизматлар БЕПУЛ!

САФИМИЗДАН ОРТДА ҚОЛМАНГ, АЗИЗЛАР!

Манзил: 2801 Emmons Ave, Brooklyn, NY 11235

Tel: 347-757-1211

www.vatandosh.org

farogat@vatandosh.org

БОШҚА ХИЗМАТЛАР:

- Совчилик хизмати
- Бепул тил курслари
- Жаноза хизматлари
- Спорт тўғараклар
- Офис хизматлари

Жамият ўз фаолиятини қонунийлик, ошкоралик ва ўзаро ҳурмат тамойиллари асосида олиб боради. Биз барча юртдошларимизни “Ватандош” жамиятига аъзо бўлиб, умумхалқ манфаати йўлидаги хайрли ишларда фаол иштирок этишга чақирамиз.

“Vatandosh” Ўзбек-Америка жамияти ҳамда “Kings Bay Y” жамоатчилик маркази ҳамкорликда Саломатлик ва Маданият Маркази фаолиятини йўлга қўйди.

Мазкур марказ қошида янги “Соғломлаштириш дастури” ишга тушди. Унда сиз учун чўмилиш ҳавзаси (бассейн), жисмоний тарбия зали, аэробика, йога, биллард, стол тенниси билан шўғулланишингиз учун барча қулайликлар мавжуд! Дастурлар юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилади.

Шунингдек, Марказда:

- Инглиз тили ва компютер курслари;
- Кўнгилочар ва мусиқий дастурлар, машҳур шахслар билан учрашувлар;
- Кўргазмалар, Нью-Йорк музейларига саёҳат;
- Миллий ва диний байрамлар, юбилейларни нишонлаш;
- Миллий кутубхона, халқ амалий санъати, ҳаваскорлик,

шахмат-шашка ва бошқа тўғараклар;

- Ижтимоий маслаҳатчи хизматларидан фойдаланишингиз мумкин.

Дастур қатнашчилари ИККИ МАҲАЛ ҲАЛОЛ ИССИҚ ОВҚАТ ВА ТРАНСПОРТ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Мақсадимиз: Америкада истиқомат қилаётган ватандошларимиз учун ўзбек жамоатчилик марказини ташкил қилиш. Сафимиздан ортда қолманг, азизлар!

Тўлиқ маълумот учун телефон: 347-757-1211 (Фароғат)

E-mail: farogat@vatandosh.org

Манзил: 2801 Emmons Ave, Brooklyn, NY 1123